

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

4-сон
(868)
2019 йил
28 январь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

59. «Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 январдаги ПҚ–4126-сон қарори [Кўчирма]
60. «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 январдаги ПҚ–4127-сон қарори [Кўчирма]

Учинчи бўлим

61. «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти шахсий таркибининг овқатланиш тизимини аутсорсинг шартларида ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 январдаги 52-сон қарори
62. «Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларига

биометрик паспортлар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга биометрик ҳаракатланиш ҳужжатлари берганлик учун тушаётган маблағлардан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 6 апрелдаги 104-сон қарорига қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 январдаги 53-сон қарори

63. «Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган реализация қилиш оборотлари қўшилган қиймат солиғидан озод этиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари рўйхатига қўшимча киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 январдаги 56-сон қарори

Бешинчи бўлим

64. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлигининг 2018 йил 30 ноябрдаги 01-02/13-70, 155-сон «Давлат божхона хизмати органларида мажбурий хизматни ўташ ҳақидаги шартномаларни тузиш ҳамда шартнома шартлари бажарилмаганда харажатларни қоплаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 21 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3125*)
65. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 20 декабрдаги 81, 58-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган ОИВ инфекциясини юқтирганлар ва ОИТСга чалинган беморларга антиретровирус даволаш тақдим этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 21 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1752-1*)
66. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 30 декабрдаги 01-02/13-76-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона органлари томонидан гаровни қўллаш тўғрисидаги низомнинг 1.2-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 21 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 757-3*)
67. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 17 январдаги 6, 2019-02, 267-В-1-сон «Иш берувчилар томонидан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига мажбурий бадалларни қўшиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 21 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1515-1*)

68. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлигининг 2019 йил 7 январдаги 2019-05, 2-сон «Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 21 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3126*)
69. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 7 январдаги 1, 2019-04-сон «Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 21 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2439-7*)
70. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 11 январдаги 4, 2018-83, 315-В-5-сон «Улгуржи савдо корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини бўнак тўловларини ҳисобга олган ҳолда тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 21 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2065-5*)
71. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Адлия вазирлигининг 2019 йил 21 январдаги 1-2019, 1-сон «Тошкент давлат юридик университетида ўқитишнинг модуль тизими шароитларида талабалар билимини назорат қилиш тартиби ва баҳолаш мезонлари тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 22 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2780-2*)
72. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2019 йил 21 январдаги 16-сон «Криптобиржалар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 22 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3127*)
73. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 11 январдаги 02/16-10/40-сон «Корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳоли мониторинги ва таҳлилини ўтказиш мезонларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга қўшимча ва ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 23 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1469-5*)
74. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил

- 11 январдаги 02/16-10/41-сон «Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органига хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги материалларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 23 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2223-4*)
75. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2019 йил 7 январдаги 3-сон «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Абу Райҳон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактабига ўқишга қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 23 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3128*)
76. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2019 йил 7 январдаги 4-сон «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Абу Райҳон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактаби профессор-ўқитувчилари таркибини танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 23 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3129*)
77. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 15 декабрдаги 39/19-сон «Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга доир йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 23 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3028-1*)
78. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 10 январдаги 3, 2019-03, 341-В-2-сон «Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек харажатларни қоплаш бўйича суммаларнинг тўланишини ҳамда ташкилотлар томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар учун харажатлар амалга оширилиши тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 23 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2836-2*)
79. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлигининг 2019 йил 22 январдаги 2-2019/ққ, 9, 1/103-сон «Автомобиль транспорти ҳайдовчилари меҳнатига ҳақ тўлашнинг умумий шартлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республи-*

каси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 23 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3130)

80. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2019 йил 9 январдаги 3, 2, 8-сон «Янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш қиймати, лалми шудгор ва суғорилмайдиган кўп йиллик дарахтзорлар олиб қўйилганда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ушбу қийматини инобатга олиб ҳисобланган миқдори ҳамда пичанзорлар ва яйловлар ҳолатини тубдан яхшилаш қийматини индексация қилиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 23 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3131*)
81. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2019 йил 9 январдаги 2, 1, 7-сон «Янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш қиймати, лалми шудгор ва суғорилмайдиган кўп йиллик дарахтзорлар олиб қўйилганда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ушбу қийматини инобатга олиб ҳисобланган миқдори ҳамда пичанзорлар ва яйловлар ҳолатини тубдан яхшилаш қийматини индексация қилиш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 23 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2943-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2019 йил 19 январдан 25 январгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

59 Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида*

[Кўчирма]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг ташкилий тузилмаси 1-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг марказий аппарати тузилмаси 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси (кейинги ўринларда — Монополияга қарши курашиш қўмитаси) бошқарув ходимларининг чекланган сони 242 нафар, шу жумладан Монополияга қарши курашиш қўмитаси марказий аппарати бошқарув ходимларининг чекланган сони 75 нафар этиб белгилансин.

Монополияга қарши курашиш қўмитасининг раисига:

зарур ҳолларда, Монополияга қарши курашиш қўмитаси марказий аппаратининг тасдиқланган тузилмасига ўзгартиришлар киритиш;

Монополияга қарши курашиш қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бошқармалари тузилмасини тасдиқлаш;

бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сони доирасида Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳудудий бошқармалари бошқарув ходимларининг чекланган сонини тасдиқлаш;

Монополияга қарши курашиш қўмитасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан Монополияга қарши курашиш қўмитаси бошқарув ходимлари мутахассисларининг қўшимча штат бирликларини киритиш;

малакали маҳаллий ва хорижий мутахассисларни ходимлар ва маслаҳатчилар сифатида жалб қилиб, уларга, истисно тариқасида, Монополияга қарши

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 25 январда эълон қилинган.

** 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

курашиш қўмитасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан иш ҳақи ва бошқа тўловлар миқдорларини белгилаш;

Монополияга қарши курашиш қўмитаси ходимлари учун, қонунчиликда назарда тутилган бошқа тўловлардан қатъи назар, Монополияга қарши курашиш қўмитасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан, улар эгаллаган асосий лавозими бўйича мансаб маошларига (тариф ставкаларига) устамалар ва бошқа рағбатлантирувчи тўловлар белгилаш;

халқаро амалиётдан ва бозор шароитларидан келиб чиққан ҳолда, Монополияга қарши курашиш қўмитасига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун контракт асосида жалб қилинадиган малакали хорижий мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорини белгилаш ҳуқуқи берилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Монополияга қарши курашиш қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг (кейинги ўринларда — Давлат рақобат қўмитаси) монополияга қарши курашишни тартибга солиш, рақобат муҳитини ривожлантириш, табиий монополиялар субъектлари фаолиятини назорат қилиш ва товар-хом ашё биржаларини лицензиялаш борасидаги барча ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Монополияга қарши курашиш қўмитаси ўз ваколатларини барча давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг мансабдор шахсларидан мустақил равишда амалга оширади ва ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган алоҳида масалалар бўйича — бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунди ва ҳисобдор бўлади;

Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолият соҳасига кирувчи масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий тартибда у билан келишилиши шарт;

мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча ташкилотларда Монополияга қарши курашиш қўмитаси ваколатига кирадиган масалалар бўйича текширувлар тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш бўйича ваколатли органни хабардор қилиш тартибида амалга оширилади ҳамда Текширувларни электрон шаклда рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатга олиниши шарт;

Монополияга қарши курашиш қўмитасининг раиси, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади, мақоми, тиббий ва транспорт хизмат кўрсатиш шароитлари бўйича тегишли равишда вазир, вазирнинг биринчи ўринбосари ва вазир ўринбосарига тенглаштирилади;

Монополияга қарши курашиш қўмитаси ходимларига нисбатан қайта ташкил этилган Давлат рақобат қўмитаси ходимлари учун назарда тутилган тиббий хизмат кўрсатиш тартиби сақланиб қолади;

Давлат рақобат қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари томонидан илгари берилган ҳужжатлар ва улар қабул қилган қарорлар ўз кучини сақлаб

қолади ҳамда унинг қайта ташкил этилиши муносабати билан бекор қилинмайди ёхуд ўзгартирилмайди.

4. Монополияга қарши курашиш қўмитасига:

рақобат муҳитини ривожлантириш ва табиий монополиялар субъектлари фаолиятини назорат қилиш масалалари юзасидан амалга ошириладиган тадбирларга иқтисодий, молия, солиқ органлари ва бошқа органлар ходимларини жалб қилиш;

монополияга қарши сиёсат ва рақобатни муҳофаза қилиш соҳаларидаги қонун бузилиши ҳолатларини ҳамда уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан ижро этилиши мажбурий бўлган тақдимномаларни ўз ваколатлари доирасида давлат органлари ва ташкилотларига киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра 2019 йил 1 июлдан бошлаб хўжалик юритувчи субъектларнинг бирлашуви ва қўшиб олиниши бўйича битимлар, шунингдек шахс ва шахслар гуруҳи томонидан хўжалик юритувчи субъект устав капитали (жамғармаси)даги акциялар (улушлар)ни сотиб олиш бўйича битимларга дастлабки розилик бериш учун энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорида йиғим ундирилади.

6. Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда бюджетдан ташқари Рақобатни ривожлантиришга қўмаклашиш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилсин ва унинг манбалари қуйидагилар этиб белгилансин:

рақобат ва табиий монополиялар ҳақидаги қонунчиликни бузганлик учун ундирилган асоссиз олинган даромадларнинг суммаси;

рақобат, табиий монополиялар ҳақидаги қонунчиликни бузганлик ва Монополияга қарши курашиш қўмитаси тақдимномаларини бажарилмаганлик учун Монополияга қарши курашиш қўмитаси томонидан хўжалик юритувчи субъектлардан ва уларнинг мансабдор шахсларидан қонунчиликда белгиланган тартибда ундириладиган жарима маблағлари;

хўжалик юритувчи субъектларнинг бирлашуви ва қўшиб олиниши бўйича битимлар, шунингдек шахс ва шахслар гуруҳи томонидан хўжалик юритувчи субъект устав капитали (жамғармаси)даги акциялар (улушлар)ни сотиб олиш бўйича битимларга дастлабки розилик бериш учун йиғимлар;

Жамғарма маблағларини тижорат банклари депозитларига қўйишдан олинган даромадлар;

халқаро институтлар ва ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг грантлари маблағлари ва ҳомийлик хайриялари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

7. Белгилансинки, Жамғарма маблағлари:

Монополияга қарши курашиш қўмитасининг жорий харажатларини молиялаштиришга;

ходимларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий таъминлаш, шунингдек улар томонидан турар жой сотиб олинишини имтиёзли молиялаштиришга;

Монополияга қарши курашиш қўмитаси раҳбарлари ва мутахассисларини ўқитиш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга;

жалб этиладиган хорижий мутахассислар фаолиятига, халқаро ва хорижий ташкилотларга ҳақ тўлаш чора-тадбирларини амалга оширишга сарфланади.

8. Монополияга қарши курашиш қўмитаси икки ой муддатда:

а) Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси тўғрисидаги ва Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг бюджетдан ташқари Рақобатни ривожлантиришга қўмаклашиш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақидаги қарор лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси ва Адлия вазирлиги билан биргалликда:

Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикасини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

қонун ҳужжатларига рақобат ва табиий монополиялар тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик, ахборот бермаслик ёки била туриб нотўғри ахборот бериш, Монополияга қарши курашиш қўмитаси тақдимномаларини бажармаслик, шунингдек унинг ходимлари фаолиятига аралашганлик ҳамда уларга юклатилган вазифа ва функцияларни қонуний бажаришларига тўсқинлик қилиш мақсадида ҳар қандай шаклда таъсир ўтказганлик учун юридик шахсларга жарималар қўллаш ва маъмурий жавобгарлик белгилашни назарда тутувчи ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида таклифлар тайёрласин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ягона давлат органи сифатида Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузурида Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлигини ташкил этиш ҳамда тегишли давлат органлари ва муассасаларининг штат бирликларини ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш соҳасида назоратни амалга ошириш борасидаги ваколатларини унга ўтказиш бўйича таклифлар киритсин;

в) 2019 — 2023 йилларда товар ва молия бозорларида рақобатни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин, унда, жумладан қуйидагилар назарда тутилсин:

рақобатни ҳимоя қилиш ва ривожлантириш тизимини трансформация қилиш ҳамда монополияга қарши тартибга солишнинг миллий иқтисодиётда ва жаҳон иқтисодиётида юз бераётган таркибий ўзгаришлар ва жараёнларнинг юксак талабларига жавоб берадиган мутлақо янги илғор моделини яратиш;

товар ва молия бозорларини таҳлил қилишнинг мослашувчан, шу жумладан хулқ-атвор иқтисодиёти (behavioral economics) тамойилларига асосланган воситалари ва усулларини жорий этиш;

рақобатни ҳимоя қилиш бўйича олдини олувчи воситаларни, шу жумладан монополияга қарши комплаенс механизми — биринчи навбатда товар ва молия бозорларида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи

субъектлар ичида рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқликни таъминлаш тизимини жорий этиш;

рақобатлантирувчи тарифлар шакллантиришнинг рақобатни кучайтирувчи таъсир кўрсатадиган янги юқори самарали усуллари ва уларни қўллашни назорат қилиш механизмларини жорий этиш ҳисобига товарлар (ишлар, хизматлар) нархлари (тарифлари)ни давлат томонидан тартибга солиш тизимини тубдан такомиллаштириш;

рақамли иқтисодий монополияга қарши тартибга солишнинг самарали воситаларини, шу жумладан рақобат тўғрисидаги қонунчилик бузилишлари трансчегаравий шакллари олдани олиш мақсадида яратиш;

рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун ҳуқуқий таъсир кўрсатиш чораларини кучайтириш ва бир вақтнинг ўзида ҳуқуқни қўллашда кенг ихтиёр берадиган ваколатларни бекор қилиш;

«картель» келишувлар ва тил бириктиришлар каби рақобатга қарши ҳаракатларнинг мураккаб турларини аниқлаш ва уларга чек қўйиш мақсадида ҳуқуқ-тартибот органлари билан ўзаро ҳамкорликни кучайтириш;

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти методикаси бўйича товар ва молия бозорларида рақобат муҳитини ривожлантириш индикаторларидан фойдаланган ҳолда Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини (КРІ) жорий этиш;

рақобатни чеклаш ҳолатларини аниқлаш ва уларга нисбатан таъсир чораларини кўриш тезкорлигини ошириш учун Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятига инновацион ишланмалар ва ахборот технологияларини жорий этиш;

Монополияга қарши курашиш қўмитасининг кадрлар салоҳиятини тизимли равишда ошириш, олий ўқув юртлари ўқув дастурларига рақобат сиёсати ва рақобат ҳуқуқи соҳасида кадрларни тайёрлаш бўйича махсус йўналишларни жорий этиш;

муносиб моддий таъминот ва ижтимоий шароитлар борасида ижтимоий кафолатларни назарда тутган ҳолда Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда коррупцияни келтириб чиқарувчи турли омилларнинг олдани олиш.

9. Монополияга қарши курашиш қўмитаси:

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик ахбороти мажбурий тарқатиладиган ташкилотлар рўйхатига;

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 октябрдаги 336-сон қарори билан тасдиқланган Раҳбарлари ходимларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхатига киритилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари доирасида ушбу қарорни 2019 йилда амалга ошириш бўйича Монополияга қарши курашиш қўмитаси харажатлари учун маблағлар ажратсин ва 2020 йилдан бошлаб ҳар йили зарур бюджет маблағларини назарда тутсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2019 йил учун тасдиқланган харажатлар сметасига ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб тегишли ўзгартиришлар киритсин;

Монополияга қарши курашиш қўмитасига хизмат автотранспорт воситаларини сотиб олиш учун зарур пул маблағлари ажратилишини таъминласин ва 5 та хизмат, шу жумладан 4 та шахсий бириктирилган хизмат енгил автомобилларини сақлаш учун лимит белгиласин;

Монополияга қарши курашиш қўмитасининг асослантирилган ҳисобкитобларига биноан маъмурий биноларини таъмирлаш ҳамда моддий-техника базасини шакллантириш мақсадида зарур мебель, ускуналар ва ахборот-коммуникация технологияларини сотиб олиш учун зарур пул маблағлари ажратилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги белгиланган тартибда Монополияга қарши курашиш қўмитасини телефон алоқаси, шу жумладан ҳукумат телефон алоқаси билан таъминласин.

13. Ички ишлар вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Давлат рақобат қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари қайта ташкил этилиши муносабати билан йиғимлар ва бошқа тўловларни ундирмаган ҳолда тегишлилиги бўйича:

Монополияга қарши курашиш қўмитаси тасарруфига ўтадиган автотранспорт воситаларини ички ишлар органларида қайта рўйхатдан ўтказишни;

кўчмас мулк объектларига ва бошқа мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни Монополияга қарши курашиш қўмитасига қайта расмийлаштиришни амалга оширсин.

14. Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари ўз зиммасига юклатилган ваколатларга мувофиқ судларга кўриб чиқиш учун киритиладиган даъволар бўйича давлат божи тўлашдан озод қилинсин.

15. Монополияга қарши курашиш қўмитаси Тошкент шаҳри, Лабзак кўчаси, 3-уй манзилига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳудудий бошқармаларини қайта ташкил этилган Давлат рақобат қўмитаси ҳудудий органларининг ҳозирги жойлашган биноларида жойлаштирилишини, зарур ҳолларда, янги бино ажратилишини таъминласин.

16. Монополияга қарши курашиш қўмитаси бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О.Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 24 январь,
ПҚ-4126-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**60 Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривож-
лантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғри-
сида***

[Кўчирма]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ташкилий тузилмаси 1-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлигининг марказий аппарати тузилмаси 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик) бошқарув ходимлари чекланган сони 90 нафар, шу жумладан Агентлик марказий аппаратининг бошқарув ходимлари чекланган сони 50 нафар этиб белгилансин.

Агентлик директориغا қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 25 январда эълон қилинган.

** 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

зарур ҳолларда, Агентлик марказий аппаратининг тасдиқланган тузилмасига ўзгартиришлар киритиш;

Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари тузилмаларини тасдиқлаш;

бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сони доирасида Агентлик ҳудудий бошқармаларининг бошқарув ходимлари чекланган сонини тасдиқлаш;

Агентликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан Агентлик бошқарув мутахассисларининг қўшимча штат бирликларини киритиш;

махаллий ва хорижий малакали мутахассисларни ходим ва маслаҳатчи сифатида, истисно тариқасида уларга Агентликнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари ҳисобидан иш ҳақи ва бошқа тўловлар миқдорини белгилаган ҳолда, жалб қилиш;

Агентликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан Агентлик ходимларининг асосий эгаллаб турган лавозимига кўра лавозим маошлари (тариф ставкалари)га, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлардан қатъи назар, устама ва бошқа рағбатлантирувчи тўловларни белгилаш;

Агентликка юклатилган вазифаларни бажариш учун шартнома асосида жалб этиладиган малакали хорижий мутахассисларнинг иш ҳақи миқдорини халқаро тажриба ва бозор шароитларидан келиб чиққан ҳолда белгилаш.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар Агентликни таъминлаш бўйича харажатларнинг молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

4. Белгилансинки:

а) Агентлик:

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда — Давлат рақобат қўмитаси) ва Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказининг қимматли қоғозлар бозорини, шу жумладан қимматли қоғозлар савдосини ташкил этувчиларни ва Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсини тартибга солиш, шунингдек корпоратив бошқарувни ривожлантириш борасидаги барча ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи ҳисобланади;

ўз ваколатларини мустақил равишда ва барча давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг мансабдор шахсларидан мустақил ҳолда олиб боради ҳамда ўз фаолиятида бевосита Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига бўйсунади ва ҳисобот беради;

фонд биржалари фаолиятини ва қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни лицензияловчи орган ҳисобланади;

лотереялар ташкил этиш фаолиятини тартибга солиш ва лицензиялаш бўйича ваколатли давлат органи ҳисобланади;

б) Агентлик фаолият соҳасига кирувчи масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Агентлик билан мажбурий тартибда келишилиши шарт;

в) мулкчилик шаклидан қатъи назар барча ташкилотларда Агентлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича текширувлар тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш бўйича ваколатли органни хабардор қилиш тартибида ва Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатдан ўтказилган ҳолда амалга оширилади;

г) Агентлик директори, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади, мақоми, тиббий ва транспорт хизмат кўрсатиш шароитлари бўйича тегишли равишда вазир, вазирнинг биринчи ўринбосари ва вазир ўринбосарига тенглаштирилади;

д) Агентликнинг ҳудудий бошқармалари раҳбарларини лавозимга тайинлаш Агентлик директори томонидан тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

е) Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторининг ишга қабул қилишда таълимнинг энг паст даражаси, ишчилар касблари бўйича малака даражаларини белгилаш борасидаги талаблари хорижий олий таълим муассасаларини тамомлаган тегишли йўналишдаги мутахассисларга нисбатан, истисно тариқасида, Агентлик учун тавсиявий хусусиятга эга;

ж) Агентлик ходимларига тугатилаётган Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази ходимлари учун назарда тутилган тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби сақлаб қолинади;

з) Давлат рақобат қўмитаси ва Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази томонидан аввал берилган ҳужжатлар ва илгари улар томонидан қабул қилинган қарорлар ўз кучини сақлаб қолади ва ушбу органларнинг қайта ташкил этилиши муносабати билан уларни бекор қилиш ёки ўзгартириш талаб этилмайди;

и) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан аввал берилган лотереяларни ташкил этиш фаолиятини юритиш ҳуқуқини берувчи лицензиялар уларнинг муддати тугагунга қадар ўз кучини сақлаб қолади ва ушбу ваколатлар Агентликка ўтиши муносабати билан қайта расмийлаштирилмайди.

5. Агентлик ҳузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда бюджетдан ташқари Капитал бозорини ривожлантиришга қўмаклашиш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилсин.

Жамғармани шакллантиришнинг асосий манбалари этиб қўйидагилар белгилансин:

фонд биржасида қимматли қоғозлар савдосини амалга оширишда сотувчи томонидан тўланадиган йиғим;

эмиссиявий қимматли қоғозларнинг дастлабки чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тўланадиган йиғим;

эмиссиявий қимматли қоғозларни йириклаштириш жараёнида уларнинг номинал қиймати оширилганда эмитент томонидан тўланадиган йиғим;

лотереяларни ташкил этиш фаолиятини юритиш ҳуқуқини берувчи лицензия талабгорининг аризасини кўриб чиқиш ва лотерея ўтказиш шартларини тасдиқлаш учун ундириладиган йиғим;

Агентлик томонидан белгиланган тартибда ундириладиган бошқа йиғимлар;

Агентлик томонидан хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг мансабдор шахсларидан қимматли қоғозлар бозори ҳамда лотереяларни ташкил этиш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ундириладиган жарималардан келиб тушган маблағлар;

Жамғарма маблағларини тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан олинган даромадлар;

халқаро ташкилотлар ва институтлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг грант маблағлари ва ҳомийлик хайриялари;

қонун билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Белгилансинки, Жамғарма маблағлари:

Агентликнинг жорий харажатларини молиялаштиришга;

ходимларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий таъминлаш, шунингдек турар жой олишини имтиёзли молиялаштиришга;

Агентлик раҳбарлари ва мутахассисларини ўқитиш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга;

жалб этиладиган хорижий мутахассислар фаолиятига, халқаро ва хорижий ташкилотларга ҳақ тўлаш чора-тадбирларини амалга оширишга сарфланади.

7. Агентлик:

а) Олий суд, Бош прокуратура ва Адлия вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 сентябрга қадар қонун ҳужжатларига қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик, шунингдек Агентликнинг кўрсатмаларини бажармаганлик учун юридик шахсларга нисбатан жарималар қўллаш ва маъмурий жавобгарлик белгилашни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифларни тайёрласин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) 2019 йил 20 декабрга қадар манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда халқаро молия институтлари ва экспертлар билан ҳар томонлама муҳокама қилиниб, илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида ишлаб чиқилган ва қуйидагиларни назарда тутувчи Капитал бозорини ривожлантириш стратегиясини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин:

аҳоли, тадбиркорлар ва иқтисодиётнинг инвестициявий талабларини максимал даражада қаноатлантириш мақсадида молия бозорининг уйғун фаолияти ва унинг барча сегментлари ривожланишини таъминлаш;

капитал бозорининг барча, шу жумладан хорижий иштирокчилар учун тенг шароит ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини яратиш, шу аснода соғлом рақобат муҳитини шакллантириш;

халқаро молия бозорлари билан фаол интеграциялашув, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш ва хорижда муваффақиятли синовдан ўтган илғор ёндашувлардан фойдаланиш орқали барча тоифадаги инвесторлар учун капитал бозорининг қулайлигини ошириш;

илғор халқаро амалиётни жорий қилиш, ортиқча тўсиқлар, чекловлар ва соҳанинг ҳаддан ташқари тартибга солинганлигини бартараф этиш орқали фонд бозорида ривожланиш мақсадларига йўналтирилган инвестицияларни фаол молиялаштириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

инвесторлар учун жозибатор механизмларни жорий қилиш ҳисобига капитал бозорининг капиталлашуви ва рақобатбардошлигини ошириш, банк томонидан кредитлашнинг самарали муқобил механизмини яратиш;

тегишли халқаро мезонлар ва тажрибаларни жорий қилган ҳолда, капитал бозорини тартибга солишнинг яхлитлигини, тизимли таваккалчиликларнинг олдини олишни таъминловчи зарур қонунчилик базасини ишлаб чиқиш;

иқтисодий сиёсат мақсадлари ва саноатни мутаносиб ривожлантириш зарурати билан боғлиқ ҳолда капитал бозорини яхшилаш бўйича чора-тадбирларнинг тартибли мувофиқлаштирилишини таъминлаш;

хорижий молия бозорларида рақобатбардошликни ошириш учун фойдаланиладиган асослантирилган имтиёз ва преференцияларни бериш орқали капитал бозорида инвестициявий ва ишбилармонлик фаолиятини ҳар томонлама рағбатлантириш ҳамда кенгайтириш;

капитал бозорини замонавий талабларга мос кадрлар билан таъминлашнинг барқарор тизимини ривожлантириш, истиқболли, шу жумладан хорижий мутахассисларни жалб қилиш учун жозибатор шарт-шароитларни яратиш.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари доирасида ушбу қарорни 2019 йилда амалга ошириш бўйича Агентлик харажатлари учун маблағлар ажратсин ва 2020 йилдан бошлаб ҳар йили зарур бюджет маблағларини назарда тутсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2019 йил учун тасдиқланган харажатлар параметрларига ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб тегишли ўзгартиришлар киритсин;

Агентликка хизмат автотранспорт воситаларини сотиб олиш учун зарур маблағларнинг ажратилишини таъминласин ва 4 та хизмат, шу жумладан 3 та шахсий бириктирилган хизмат енгил автомобилларини сақлашга лимит белгиласин;

Агентликнинг асослантирилган ҳисоб-китобларига асосан моддий-техник базани шакллантириш мақсадида зарурий жиҳозлар ва ахборот-коммуникация технологияларини харид қилиш учун зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Агентликни телефон алоқаси, жумладан ҳукумат алоқаси билан белгиланган тартибда таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази ҳамда унинг ҳудудий органлари қайта ташкил этилиши муносабати билан давлат божлари ва бошқа турдаги йиғимларни ундирмаган ҳолда тегишлилиги бўйича:

Агентлик ва унинг ҳудудий органлари тасарруфига ўтадиган автотранспорт воситаларини ички ишлар органларида қайта рўйхатдан ўтказишни;

кўчмас мулк ва бошқа мол-мулк ҳуқуқларини тегишлича Агентлик ва унинг ҳудудий органларига қайта расмийлаштиришни таъминласин.

12. Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармалари зиммасига юкланган ваколатларга мувофиқ судларга кўриб чиқиши учун киритиладиган даъволар бўйича давлат божи тўлашдан озод қилинсин.

13. Агентлик Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 октябрдаги 336-сон қарори билан тасдиқланган Раҳбарлари ходимларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхатига киритилсин.

14. Агентлик Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107-уй манзилига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда Агентликнинг ҳудудий бошқармаларини уларнинг ҳозирги жойлашуви бўйича биноларга жойлаштиришни таъминласин.

15. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги тўғрисидаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлигининг бюджетдан ташқари Капитал бозорини ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармасининг маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини киритсин;

икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифларни киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти

Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 24 январь,
ПҚ-4127-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

61 Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти шахсий таркибининг овқатланиш тизимини аутсорсинг шартларида ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси божхона органлари кадрларини тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 2 ноябрдаги ПҚ-3995-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти (кейинги ўринларда Божхона институти деб аталади) шахсий таркибининг овқатланиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти шахсий таркибининг овқатланиш тизимини аутсорсинг шартларида ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси:

Божхона институти шахсий таркибини озик-овқат билан таъминлашни ташкил қилиш бўйича аутсорсинг хизматлари жорий этилиши муносабати билан ошхона ходимлари штат бирликларини қайта кўриб чиқиб, қисқартириш ва ушбу билан боғлиқ бошқа харажатларни оптималлаштириш чораларини кўрсин;

аутсорсинг тизимига ўтиш муносабати билан тежалган пул маблағларини, биринчи навбатда, Божхона институти шахсий таркибининг овқатланиш шарт-шароитларини яхшилашга йўналтирсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.С. Отажонов ва Ўзбекистон Рес-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 22 январда эълон қилинган.

публикаси Давлат божхона қўмитаси раиси М.Б. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 21 январь,
52-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 21 январдаги 52-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг
Божхона институти шахсий таркибининг овқатланишини
аутсорсинг шартларида ташкил этиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти (кейинги ўринларда Институт деб аталади) шахсий таркибининг овқатланишини аутсорсинг шартларида ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

аутсорсинг — буюртмачининг шахсий таркибни овқатлантириш вазифасини шартнома асосида аутсорсерга ўтказиш;

аутсорсер — шартнома асосида буюртмачига аутсорсинг хизматини кўрсатувчи юридик шахс;

буюртмачи — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти;

Институт шахсий таркиби — Институтда хизмат ўтаётган давлат божхона хизмати органлари ходимлари ва курсантлари.

3. Институт шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси (кейинги ўринларда Давлат божхона қўмитаси деб аталади) томонидан Молия вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланган нормалар асосида овқат билан таъминланади.

4. Институт шахсий таркибини овқатлантириш қуйидагиларни ўз ичига олади:

стационар ва дала шароитида озиқ-овқат таъминоти;

қуруқ маҳсулотлар таъминоти.

5. Аутсорсинг хизмати буюртмачининг тасдиқланган харажатлар сметаси доирасида бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

6. Аутсорсер ходимларининг буюртмачига тегишли худудга белгиланган тартибда олдиндан такдим этилган рўйхат асосида киришига рухсат берилади.

7. Аутсорсинг хизматини кўрсатиш жараёнида махфийлик тартибига риоя этиш буюртмачи томонидан таъминланади.

2-боб. Аутсорсерни танлаш, шартнома тузиш ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш

8. Аутсорсер Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ танланади.

9. Аутсорсер талабгорларга нисбатан қуйидаги талаблар қўйилади:

юридик шахс бўлиши;

умумий овқатланиш соҳасида камида уч йил фаолият олиб борган бўлиши;

аутсорсинг хизмати бўйича камида бир ойлик шартнома суммасига тенг айланма маблағларга эга бўлиши;

молиявий аҳволи барқарорлиги, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги;

стационар ва дала шароитида аутсорсинг хизматини кўрсатиш учун етарли моддий-техника ва логистика базасига эга бўлиши;

штатида етарли иш тажрибаси ва кўникмага эга ходимлар бўлиши.

10. Аутсорсинг хизматини кўрсатиш бўйича шартнома буюртмачи ва аутсорсер ўртасида календарь йил учун ёзма шаклда уч нусхада тузилади.

Шартномада Институт шахсий таркибининг сони, бир нафар овқатланувчи учун тасдиқланган нормалардаги кунлик озиқ-овқат қиймати, календарь куни ва жами йиллик сумма акс этирилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан олинган озиқ-овқат маҳсулотлари нархи ўзгарганда ёки бошқа асосли ҳолларда шартномага тегишли ўзгартириш киритилиши мумкин.

11. Буюртмачи маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан кўпи билан бир ойда бир марта озиқ-овқат маҳсулотларининг ўртача бозор нархлари бўйича маълумот олади.

12. Бир нафар овқатланувчи учун кунлик озиқ-овқат маҳсулотларининг ўртача нархи озиқ-овқат маҳсулотларининг ўртача бозор нархларидан келиб чиққан ҳолда буюртмачи томонидан аниқланади ва Молия вазирлиги билан келишилади.

13. Аутсорсинг хизматига ҳақ тўлаш шартнома имзоланадиган ойда Институт шахсий таркиби учун кунлик озиқ-овқат маҳсулотларининг ўртача нархи ва аутсорсернинг харажатлари (солиқлар, ходимларнинг иш ҳақи, транспорт хизматлари, асбоб-ускуналарни таъмирлаш, улардан фойдаланиш ва бошқаларни) ҳамда уларга нисбатан 20 фоизгача устама ҳисобга олинган ҳолда буюртмачи томонидан белгиланади.

14. Кўрсатилган хизматлар ҳисоб-китоби шартноманинг ойлик суммасининг 15 фоизи миқдорида олдиндан, 85 фоизи ҳақиқатда кўрсатилган хизматлар суммасидан келиб чиқиб ҳар 10 кунда, якуний ҳисоб-китоб эса кейинги ойнинг 5 санасига қадар амалга оширилади.

15. Институт шахсий таркибини овқатлантириш бўйича ҳисобга киритишда ёки ҳисобдан чиқаришда ҳисоб-китоблар белгиланган кунлик норма суммасига нисбатан қуйидагича амалга оширилади:

- нонушта учун 25%;
- тушлик учун 50%;
- кечки таом учун 25%.

3-боб. Аутсорсерга қўйиладиган талаблар

16. Аутсорсинг хизматлари асосида овқат билан таъминлаш қонун ҳужжатларида белгиланган техника ва ёнғин хавфсизлиги, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилиши лозим.

17. Аутсорсер томонидан фойдаланиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари тегишли сертификатлар билан тасдиқланиши, шунингдек, халқаро ва миллий стандартлар талабларига жавоб бериши шарт.

18. Озиқ-овқат маҳсулотларини белгиланган тартибда сақлаш қоидаларига риоя этилиши бўйича жавобгарлик аутсорсер зиммасига юкланади.

19. Аутсорсер ходимлари:

сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини қабул қилиши, уларни тўғри сақлаши ва белгиланган нормалар асосида сарфлаши;

белгиланган нормалар асосида таом тайёрлаш технологиясига қатъий амал қилиши, ортиқча исрофгарчиликка йўл қўймаслиги;

озиқ-овқат тайёрлаш ва хизмат кўрсатиш жараёнида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этиши;

ошпазлик соҳасида зарур билим ва кўникмаларга эга бўлиши ва ўз маънасини доимий равишда ошириб бориши зарур.

Аутсорсер ходимлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тиббий кўрикдан ўтиши ва тиббий дафтарчага эга бўлиши шарт.

Мазкур бандда белгиланган талабларга риоя қилмаган шахсларнинг аутсорсер томонидан хизмат кўрсатишга жалб қилиниши тақиқланади.

4-боб. Аутсорсер ва буюртмачининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

20. Аутсорсер қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш;

ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ички қисмида техник жиҳатдан жиҳозлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

Институт шахсий таркибининг сони ва овқатланиш жадвалини белгиланган тартибда олиш;

олинган озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш киритиш таклифи билан чиқиш;

кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилишини талаб қилиш;

буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш.

Аутсорсер қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

21. Аутсорсер:

Институт шахсий таркибининг озиқ-овқат таъминотини узлуксиз, шу жумладан дам олиш ва байрам кунлари ҳамда дала шароитида амалга ошириши;

озиқ-овқат маҳсулотларининг янги ва сифатли бўлишини таъминлаши; соғлиқ учун зарарли ва яроқсиз озиқ-овқат маҳсулотларидан фойдаланмаслик ва таомларни тарқатмаслиги;

дала шароитида кўчма ошхона фаолиятини тўлиқ ташкил этган ҳолда, Институт шахсий таркибининг озиқ-овқат таъминотини амалга ошириши;

ижарага олинган бино ва иншоотлар, жиҳозлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиши, сақлаши, носоз ҳолга келганда уларни ўз ҳисобидан таъмирлаши, шунингдек, мулкни сақлаш харажатларини қоплаши;

аутсорсинг хизматини кўрсатишда техника, ёнғин, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиши;

озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатли сақланишини таъминлаши;

махфийлик тартибига қатъий риоя қилиши лозим.

Аутсорсер зиммасига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

22. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

аутсорсердан шартнома шартларини бажариш билан боғлиқ жараёнда қатнашувчи шахслар (ошхона ходимлари) рўйхатини олиш;

озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатини тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилиш;

овқатланиш жадвалига ўзгартиришлар киритиш;

аутсорсернинг ишлаб чиқариш фаолиятига аралашмаган ҳолда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш.

Буюртмачи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

23. Буюртмачи:

аутсорсерга Институт шахсий таркибининг сони ва уларнинг овқатланиш жадвалини ўз вақтида тақдим этиши;

шартномага мувофиқ белгиланган муддат ва шартлар асосида аутсорсерга кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириши лозим.

Буюртмачи зиммасига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

24. Аутсорсерга вақтинчалик фойдаланишга бериладиган ошхона биносига қўйиладиган асосий талаблар қуйидагилар ҳисобланади:

етарли ўринга эга бўлган, технологик жиҳозлар билан таъминланган, техник ҳолати белгиланган нормаларга мос бўлган овқатланиш биносининг мавжуд бўлиши;

маҳсулотларни сақлаш учун омборлар мавжудлиги;

таом тайёрлаш ускуналари, ошхона мебеллари ва овқатланиш учун зарур бўлган бошқа жиҳозлар мавжудлиги.

5-боб. Аутсорсер томонидан буюртмачи мол-мулки ва моддий-техника воситаларидан фойдаланиш

25. Ошхонанинг ишлаб чиқариш хоналари, асбоб-ускуналари, идиш-товоқлари ва мебеллари ижара шартномаси асосида ҳамда тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномаси (кейинги ўринларда далолатнома деб аталади) расмийлаштирилган ҳолда, «ноль ставка» бўйича аутсорсерга вақтинчалик фойдаланишга берилади.

Далолатнома буюртмачининг комиссияси ва аутсорсер томонидан имзоланади.

26. Аутсорсерга кўрсатилган коммунал хизматлар қиймати буюртмачига ажратилган бюджет маблағлари доирасида қопланади.

6-боб. Аутсорсинг хизмати кўрсатилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш

27. Аутсорсинг хизмати кўрсатилиши юзасидан мониторинг буюртмачи ташкил этадиган комиссия (кейинги ўринларда комиссия деб аталади) томонидан амалга оширилади.

28. Комиссия:

аутсорсинг хизмати кўрсатилиши юзасидан доимий мониторинг олиб боради, жумладан Институт шахсий таркиби ўртасида сўровномалар ўтказди; мониторинг натижаларидан келиб чиқиб, буюртмачи ва аутсорсерга тегишли таклиф ва тавсиялар киритади;

ошхона ва омборларда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя қилиниши ҳамда эпидемияга қарши тадбирлар бажарилишига риоя қилишнинг бузилиш ҳолатларини бартараф этиш чораларини кўради;

тайёр озиқ-овқатнинг белгиланган кунлик нормаларга мос келиши ҳамда сифатини ўрганади, зарур ҳолларда четдан мутахассислар жалб этади.

Комиссия буюртмачи томонидан юкланган бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

29. Комиссия томонидан ўтказилган ўрганиш натижалари алоҳида юритиладиган журналда кайд этиб борилади.

7-боб. Яқунловчи қоидалар

30. Ушбу Низомда назарда тутилган талабларнинг бузилиши буюртмачи ва аутсорсернинг тузилган шартномани белгиланган тартибда бекор қилишига асос бўлади.

31. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**62** Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларига биометрик паспортлар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга биометрик ҳаракатланиш ҳужжатлари берганлик учун тушаётган маблағлардан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 6 апрелдаги 104-сон қарорига қўшимчалар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш тизимини яратиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси биометрик паспорт тизимини модернизация қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4079-сон қарори ижросини таъминлаш юзасидан, шунингдек биометрик ҳужжатларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатларни қоплаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларига биометрик паспортлар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга биометрик ҳаракатланиш ҳужжатлари берганлик учун тушаётган маблағлардан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 6 апрелдаги 104-сон қарорига иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 23 январь,
53-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 23 январда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 23 январдаги 53-сон қарорига
ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларига биометрик паспортлар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга биометрик ҳаракатланиш ҳужжатлари берганлик учун тушаётган маблағлардан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 6 апрелдаги 104-сон қарорига киритилаётган қўшимчалар

1. Қарорнинг номидаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларига биометрик паспортлар» сўзларидан кейин «, Ўзбекистон Республикаси фуқароларига хорижга чиқиш биометрик паспортлари» сўзлари қўшилсин.

2. 1-бандда:

а) «а» кичик бандидаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларига биометрик паспортлар» сўзларидан кейин «, Ўзбекистон Республикаси фуқароларига хорижга чиқиш биометрик паспортлари» сўзлари қўшилсин;

б) «б» кичик бандининг иккинчи хатбошидаги «биометрик паспортлар» сўзларидан кейин «, хорижга чиқиш биометрик паспортлари» сўзлари қўшилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

63 Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган реализация қилиш оборотлари қўшилган қиймат солиғидан озод этиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари рўйхатига қўшимча киритиш тўғрисида*

Сут саноатини ривожлантириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш ҳамда сутни қайта ишлаш корхоналарининг фермер хўжаликлари билан операциясини кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 декабрдаги 1065-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган реализация қилиш оборотлари қўшилган қиймат солиғидан озод этиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари рўйхатига қуйидаги мазмундаги 9-банд қўшилсин:

«9. Сут**».

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 24 январда эълон қилинган.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 24 январь,
56-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

64 Давлат божхона хизмати органларида мажбурий хизматни ўташ ҳақидаги шартномаларни тузиш ҳамда шартнома шартлари бажарилмаганда харажатларни қоплаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
21 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3125*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 ноябрдаги ПҚ–3995-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона органлари кадрларини тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ҳамда Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Давлат божхона хизмати органларида мажбурий хизматни ўташ ҳақидаги шартномаларни тузиш ҳамда шартнома шартлари бажарилмаганда харажатларни қоплаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

М. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 30 ноябрь,
01-02/13-70-сон

Молия вазири

Ж. ҚЎЧҚОРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 30 ноябрь,
155-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 22 январда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитаси ва Молия
вазирлигининг 2018 йил 30 ноябрдаги
01-02/13-70 ва 155-сон қарорига
ИЛОВА

**Давлат божхона хизмати органларида мажбурий хизматни
ўташ ҳақидаги шартномаларни тузиш ҳамда шартнома
шартлари бажарилмаганда харажатларни қоплаш
тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 ноябрдаги ПҚ–3995-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона органлари кадрларини тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Божхона институтига (бундан буён матнда Институт деб юритилади) ўқишга қабул қилинган фуқаролар (бундан буён матнда курсант деб юритилади) билан давлат божхона хизмати органларида мажбурий хизматни ўташ ҳақидаги шартномаларни тузиш ҳамда шартнома шартлари бажарилмаганда харажатларни қоплаш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Институтни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети (бундан буён матнда давлат бюджети деб юритилади) ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси (бундан буён матнда ДБҚ деб юритилади) маблағлари ҳисобидан тамомлаган ва мажбурий хизмат ўташ учун давлат божхона хизмати органларига, шунингдек, ДБҚ томонидан бошқа давлат идораларига юборилган шахсларга нисбатан татбиқ этилади.

2. Курсант ўқишни тамомлагандан кейин беш календарь йил мобайнида давлат божхона хизмати органларида, шунингдек, ДБҚ томонидан бошқа давлат идораларига юборилганда мажбурий хизмат ўташга мажбур.

3. Курсант ўқишга қабул қилиниши билан ДБҚ ўртасида ўқишни тамомлагандан кейин беш календарь йил мобайнида давлат божхона хизмати органларида, шунингдек, бошқа давлат идораларида мажбурий хизмат ўталиши ҳақида шартнома тузилади.

4. Шартнома шартлари бажарилмаслиги сабабли моддий жавобгарлик ҳақида номзод (шунингдек, унинг ота-онаси, фарзандликка олувчи ва васийси) ўқишга киргунига қадар дастлабки танлов даврида ёзма равишда огоҳлантирилади.

Бунда, ДБҚнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари ҳамда «Тошкент-АЭРО» ихтисослаштирилган божхона комплексида тузиладиган ишчи гуруҳлар томонидан номзод ва унинг ота-онаси (фарзандликка олувчи, васийси) ёзма равишда огоҳланти-

рилади ва улардан мазкур Низомнинг 1-иловасига* мувофиқ шаклда тил-хат олинади.

2-боб. Шартнома тузиш

5. Ўқиш тамомлагандан кейин беш календарь йил мобайнида давлат божхона хизмати органларида, шунингдек, бошқа давлат идораларида мажбурий хизматни ўташи ҳақида, мазкур Низомнинг 2-иловасига* мувофиқ шаклда ДБК номидан Институт ҳамда курсантлар ва уларнинг ота-онаси (фарзандликка олувчи, васийи) ўртасида шартнома тузилади.

Курсант курсантлар сафидан чиқарилиб, ўқишга қайта тикланган тақдирда ёки ходим мажбурий хизмат ўташ даврида хизматга қайта тикланганда, шартнома қайта тузилиши шарт.

6. Шартнома икки нусхада давлат тили ёки рус тилида тузилади. Шартномани тузиш томонларнинг имзолашлари орқали амалга оширилади.

7. Курсант шартнома тузишни рад қилган тақдирда, мазкур ҳолат бўйича божхона органи масъул ходими томонидан шартнома тузишни рад этиш сабаблари, курсант ўқишга кирганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда баённома расмийлаштирилади.

Шартнома тузишни рад этган курсант курсантлар сафидан чиқарилади.

8. Тузилган шартноманинг бир нусхаси курсантга берилади, иккинчи нусхаси курсантнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдига тикилади.

3-боб. Ўқитишга сарфланган маблағларни қоплаш

9. Ўқиш учун сарфланган маблағлар бир ўқув йили учун, календарь йил ҳисобида курсантлар сафидан чиқарилган (хизматдан бўшатиш) санада амалда бўлган энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баробари миқдоридан ундирилади.

10. Шартнома муддатидан олдин бекор қилинганда, қопланиши лозим бўлган маблағлар, курсант (ходим):

давлат божхона хизмати органларида хизматни ўтаган бўлса, тегишли ДБКнинг таркибий тузилмалари;

бошқа давлат идораларида хизматни ўтаган тақдирда ДБК томонидан ҳисобланади.

11. Курсант (ходим) томонидан шартнома шартлари бажарилмаса, ўқишга сарфланган маблағлар:

тўрт йиллик ўқиш даврининг курсантлар сафидан чиқарилгунга қадар бўлган даврига;

беш йиллик мажбурий хизматни ўтамаган даврига нисбатан мос равишда ундирилади.

12. Ўқиш учун сарфланган маблағлар хизматдан бўшатиш ҳақида буйруқ имзоланган санадан бошлаб 30 календарь кун ичида қопланиши лозим.

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

13. Қопланиши лозим бўлган маблағлар ҳар қандай манфаатдор шахс томонидан тўлаб берилиши мумкин. Бунда маблағлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан қопланишига йўл қўйилмайди.

14. Қопланиши лозим бўлган маблағлар тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ходимнинг сўнгги иш жойидаги кадрлар тузилмасига тақдим қилинади ва шахсий йиғма жилдига тикиб қўйилади.

15. Белгиланган муддатда қопланмаган маблағлар суд орқали ундирилади.

16. Қопланиши лозим бўлган маблағларни тўлаган ходим хизматга тикланган ёки қайта қабул қилинган тақдирда ундан ундирилган пул маблағлари тўлиқ қайтарилади.

17. Қўйидаги ҳолларда курсантга сарфланган маблағлар қопланмайди: курсант (ходим) вафот этиши, бедарак йўқолган деб топилганлиги ёки вафот этган деб эълон қилинганлиги муносабати билан давлат божхона хизмати органлари шахсий таркиби рўйхатидан чиқарилган кунидан бошлаб;

курсант (ходим) давлат божхона хизмати органларидан ҳарбий-тиббий комиссия хулосаси асосида ёки ташкилий-штат ўзгаришлари сабабли бўшатирилганда;

курсант (ходим)нинг ота-онаси, ака-укалари ёки опа-сингилларидан бири назорат ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходими ёхуд Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиси бўлиб, хизмат вазифаларини бажариш чоғида ҳалок бўлган тақдирда.

4-боб. Яқуний қоидалар

18. Ушбу Низомда қайд этилган масалалар юзасидан келиб чиқадиган низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

19. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

65 «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган ОИВ инфекциясини юқтирганлар ва ОИТСга чалинган беморларга антиретровирус даволаш тақдим этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
21 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1752-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги ПҚ–3493-сон «Ўзбекистон Республикасида одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2007 йил 27 ноябрдаги 19, 16-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган ОИВ инфекциясини юқтирганлар ва ОИТСга чалинган беморларга антиретровирус даволаш тақдим этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1752, 2007 йил 26 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 52-сон, 543-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ички ишлар вазири

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 20 декабрь,
81-сон

Соғлиқни сақлаш

А. ШАДМАНОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 20 декабрь,
58-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 22 январда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

66 Ўзбекистон Республикаси божхона органлари томонидан гаровни қўллаш тўғрисидаги низомнинг 1.2-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 21 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 757-3

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 октябрдаги ЎРҚ-494-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига иқтисодий муносабатлар ва тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги ПФ-5414-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан 1999 йил 19 майда 02/8-55-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси божхона органлари томонидан гаровни қўллаш тўғрисидаги низомнинг (рўйхат рақами 757, 1999 йил 28 июнь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 1999 й., 7-сон) 1.2-бандида:

еттинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

саккизинчи хатбоши еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

М. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 30 декабрь,
01-02/13-76-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 22 январда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

67 **Иш берувчилар томонидан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига мажбурий бадалларни қўшиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
21 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1515-1*

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 29 августдаги 76, 2005-47, 267-В-сон қарори (рўйхат рақами 1515, 2005 йил 6 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 40-сон, 313-модда) билан тасдиқланган Иш берувчилар томонидан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига мажбурий бадалларни қўшиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 17 январь,
6-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 17 январь,
2019-02-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 22 январда эълон қилинган.

Марказий банк раиси**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,
2019 йил 17 январь,
267-В-1-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги, Давлат солиқ
қўмитаси ва Марказий банки Бошқарувининг
2019 йил 17 январдаги 6, 2019-02,
267-В-1-сон қарорига
ИЛОВА

**Иш берувчилар томонидан фуқароларнинг шахсий
жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига мажбурий
бадалларни қўшиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 3-банддаги «1 фоизи миқдорда» деган сўзлар «қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 5-банддаги «1 фозини» деган сўзлар «қонун ҳужжатларида белгиланган миқдордаги бадални» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки билан келишилган.

*Акциядорлик тижорат
Халқ банки Бошқаруви раиси*

А. АБДУЛЛАЕВ

2019 йил 17 январь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

68 Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
21 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3126*

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4068-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Қуйидаги солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлансин:

юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича 1-иловага** мувофиқ;

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ягона ижтимоий тўлов бўйича 2-иловага** мувофиқ;

қўшилган қиймат солиғи бўйича 3-иловага** мувофиқ;

акциз солиғи бўйича 4-иловага** мувофиқ;

ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ва тижоратбоп топилма бонуси бўйича 5-иловага** мувофиқ;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича 6-иловага** мувофиқ;

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича 7-иловага** мувофиқ;

юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича 8-иловага** мувофиқ;

ягона солиқ тўлови бўйича 9-иловага** мувофиқ;

ягона ер солиғи бўйича 10-иловага** мувофиқ;

қатъий белгиланган солиқ бўйича 11-иловага** мувофиқ;

бозорлар томонидан олинган даромадлар бўйича 12-иловага** мувофиқ;

давлат божи ва автотранспорт йиғими бўйича 13-иловага** мувофиқ;

товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғимлар бўйича 14-иловага* мувофиқ.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2018 йил учун солиқ ҳисоботи 2018 йилда амал қилган тартиб ва шакллар асосида тақдим этилади.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 22 январда эълон қилинган.

** 1 — 14-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 7 январь,
2019-05-сон

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 7 январь,
2-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

69 «Солиқ ҳисоботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири томонидан 2019 йил 21 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2439-7

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4068-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 22 январда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 7 январь,
1-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 7 январь,
2019-04-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ
қўмитасининг 2019 йил 7 январдаги
1, 2019-04-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 4 мартдаги 23, 2013-8-сон «Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2439, 2013 йил 22 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 12 (I)-сон, 162-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2014 йил 14 майдаги 34, 2014-19-сон «Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2439-1, 2014 йил 13 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 24-сон, 300-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2014 йил 31 декабрдаги 93, 2015-1-сон «Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2439-2, 2015 йил 28 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 4 (I)-сон, 49-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2016 йил 25 мартдаги 19, 2016-13-сон «Солиқ ҳисоботининг шаклларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2439-3, 2016 йил 21 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 16-сон, 171-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 21 февралдаги 16, 2017-07-сон «Солиқ ҳисоботининг шаклларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2439-4, 2017 йил 14 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 11-сон, 178-модда).

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 20 ноябрдаги 160, 2017-62-сон «Ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари бўйича солиқ ҳисоботи шаклларига қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2439-5, 2017 йил 29 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 48-сон, 1189-модда).

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 11 июлдаги 106, 2018-49-сон «Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2439-6, 2018 йил 20 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 34-сон, 702-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

70 «Улгуржи савдо корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини бўнак тўловларини ҳисобга олган ҳолда тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 21 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2065-5

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 22 январда эълон қилинган.

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 11 январь,
4-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 11 январь,
2018-83-сон

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 11 январь,
315-В-5-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги, Давлат солиқ
қўмитаси ва Марказий банки Бошқарувининг
2019 йил 11 январдаги 4, 2018-83 ва
315-В-5-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки Бошқарувининг 2010 йил 7 январдаги 2, 2010-1, 39/4-сон «Улгуржи савдо корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини бўнак тўловларини ҳисобга олган ҳолда тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2065, 2010 йил 14 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 1-2-сон, 15-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки Бошқарувининг 2011 йил 29 июндаги 38, 2011-22, 19/1-сон «Улгуржи савдо корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини бўнак тўловларини ҳисобга олган ҳолда тўлаш тартиби тўғрисидаги низом-

га ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2065-1, 2011 йил 29 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 30-сон, 321-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 25 сентябрдаги 92, 2013-42, 315-В-2-сон «Улгуржи савдо корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини бўнак тўловларини ҳисобга олган ҳолда тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2065-2, 2013 йил 3 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 40-сон, 539-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки Бошқарувининг 2014 йил 11 апрелдаги 31, 2014-16, 315-В-3-сон «Улгуржи савдо корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини бўнак тўловларини ҳисобга олган ҳолда тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2065-3, 2014 йил 17 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 16-сон, 185-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 3 августдаги 116, 2018-50, 315-В-4-сон «Улгуржи савдо корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини бўнак тўловларини ҳисобга олган ҳолда тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2065-4, 2018 йил 6 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 36-сон, 744-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

71 Тошкент давлат юридик университетига ўқитишнинг модуль тизими шароитларида талабалар билимини назорат қилиш тартиби ва баҳолаш мезонлари тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 22 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2780-2

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий химоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабрдаги ПФ-5270-сон «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Адлия вазирлигининг 2016 йил 22 апрелдаги 1-2016 ва 4-сон қарори (рўйхат рақами 2780, 2016 йил 22 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 16-сон, 172-модда) билан тасдиқланган Тошкент давлат юридик университетига ўқитишнинг модуль тизими шароитларида талабалар билимини назорат қилиш тартиби ва баҳолаш мезонлари тўғрисидаги низомға иловаға мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучға киради.

**Олий ва ўрта махсус
таълим вазири**

И. МАДЖИДОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 21 январь,
1-2019-сон

Адлия вазири

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 21 январь,
1-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 22 январда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда
Адлия вазирлигининг 2019 йил 21 январдаги
1-2019, 1-сон қарорига
ИЛОВА

**Тошкент давлат юридик университетида ўқитишнинг
модуль тизими шароитларида талабалар билимини назорат
қилиш тартиби ва баҳолаш мезонлари тўғрисидаги
низомга киритилаётган қўшимчалар**

1. 4-боб қуйидаги мазмундаги 19¹-банд билан тўлдирилсин:

«19¹. I ва II гуруҳ ногирони бўлган талабанинг мазкур Низомда назарда тутилган оралиқ назорат ишларини ёзма шаклда бажариш қобилияти мавжуд бўлмаганда у оралиқ назорат даври бошлангунга қадар ўқув ишлари бўйича проректорга мурожаат қилади. Бунда талаба ҳақиқатдан ҳам соғлигининг ҳолати ёзиш қобилиятини истисно қилишини тасдиқловчи тиббий маълумотнома ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг хулосасини тақдим этиши лозим. Ушбу талаба оралиқ назоратни оғзаки имтиҳон шаклида комиссияга топширади.

Соғлигининг ҳолати ёзиш қобилиятини истисно қиладиган талабалардан оғзаки имтиҳонларни қабул қилувчи комиссия ректор буйруғи билан тузилади. Комиссия таркиби ҳар ўқув йили учун бир маротаба тасдиқланади. Комиссия унинг аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади. Комиссиянинг қарори оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади ва мажлисда иштирок этган барча аъзолар томонидан тасдиқланадиган баённома билан расмийлаштирилади.

Соғлигининг ҳолати ёзиш қобилиятини истисно қиладиган талабалар томонидан оралиқ назоратни қайта топшириш мазкур Низомнинг 8-бобига мувофиқ оғзаки имтиҳон шаклида амалга оширилади.»

2. 5-боб қуйидаги мазмундаги 37¹-банд билан тўлдирилсин:

«37¹. I ва II гуруҳ ногирони бўлган талабанинг якуний назорат ишларини ёзма шаклда бажариш қобилияти мавжуд бўлмаганда якуний назорат мазкур Низомнинг 19¹-бандида белгиланган тартибда ўтказилади.»

3. Мазкур қўшимчалар Тошкент давлат юридик университети билан келишилган.

*Адлия вазири ўринбосари —
Тошкент давлат юридик
университети ректори*

Е. КАНЬЯЗОВ

2019 йил 21 январь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ ЛОЙИХА БОШҚАРУВИ
МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

72 Кripto-биржалар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 22 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3127

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги ПҚ–3832-сон «Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 2 сентябрдаги ПҚ–3926-сон «Ўзбекистон Республикасида крипто-биржалар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ **буюраман:**

1. Кripto-биржалар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор

Д. ЛИ

Тошкент ш.,
2019 йил 21 январь,
16-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президенти хузуридаги Лойиҳа бошқаруви
миллий агентлиги директори
21 январдаги 16-сон буйруғига
ИЛОВА

Кripto-биржалар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги ПҚ–3832-сон «Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2018 йил 2 сентябрдаги ПҚ–3926-сон «Ўзбекистон Республикасида крипто-биржалар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ крипто-биржалар фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 23 январда эълон қилинган.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

блокчейн — барча маълумотлар кетма-кет қайд қилинадиган ва блоклар бўйича жойлаштириладиган тақсимланган маълумотлар реестри, бунда ҳар бир янги блок олдинги блокка криптографик имзо орқали боғланади;

крипто-актив — қийматга эга ва эгаси бўлган блокчейндаги қайдлар мажмуаси;

крипто-биржа — крипто-активларни айирбошлаш, сотиб олиш ва сотиш учун электрон майдонча тақдим этадиган ташкилот.

2. Крипто-биржалар фаолиятини лицензиялаш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги (бундан буён матнда лицензияловчи орган деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

Крипто-биржалар фаолиятини лицензиялаш мазкур Низомнинг 1-илова-сида* берилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

3. Крипто-биржа фаолиятини амалга ошириш учун лицензия (бундан буён матнда лицензия деб юритилади) фақат чет эл юридик шахсларига улар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида шўъба ёки бошқа корхоналарни очиш орқали берилади.

Чет эл юридик шахснинг шўъба ёки бошқа корхонаси ўз фаолиятини чет эл юридик шахс номига берилган лицензия асосида амалга оширади.

Чет эл юридик шахсларининг крипто-биржалар фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган шўъба ёки бошқа корхоналарининг устав капиталларида (фондларида) юридик шахсларни — Ўзбекистон Республикаси резидентларини иштирок этишига йўл қўйилмайди.

4. Крипто-биржа фаолиятини амалга ошириш учун намунавий лицензия берилади.

5. Лицензия номуайян муддатга берилади.

6. Юридик шахсда крипто-биржа фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи лицензия берилган вақтдан бошлаб вужудга келади.

7. Лицензияни бошқа юридик шахсга бериш тақиқланади.

2-боб. Лицензия талаблари ва шартлари

8. Қуйидагилар крипто-биржа фаолиятини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади:

а) ариза берилган санада пул маблағи шаклида энг кам ойлик иш ҳақининг камида ўттиз минг баравари миқдорида шакллантирилган устав жамғармаси мавжудлиги, шундан йигирма минг баравари Ўзбекистон Республикасининг тижорат банкида алоҳида ҳисобварақда захирага қўйилади;

б) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган серверларга жойлаштирилган ҳамда мазкур Низомда назарда тутилган талабларга жавоб берадиган ишлаб турган электрон крипто-биржа савдо тизими мавжудлиги;

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

в) крипто-биржа савдо қоидаларининг мавжудлиги, уларда қўйидагилар кўзда тутилиши шарт:

иштирокчиларга крипто-биржа савдоларида иштирок этишга рухсат бериш тартиби;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларининг бажарилишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар;

крипто-активларни муомалага қўйиш ва муомаладан чиқаришга рухсат бериш тартиб-таомиллари;

крипто-активлар билан операцияларни амалга ошириш ва уларни рўйхатдан ўтказиш тартиби;

битимлар тузишда крипто-биржа савдолари иштирокчилари ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби;

крипто-биржа хизматидан фойдаланганлик учун тўлов миқдори ва уни белгилаш тартиби;

крипто-биржаларда нархлар манипуляцияси ва махфий ахборотдан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш чоралари;

крипто-активлардан ғайриқонуний мақсадларда фойдаланишни тақиқлаш;

г) крипто-активларни уларга бўлган талаб ва таклиф асосида котировкалаш;

д) мижозларнинг крипто-активлар билан операциялари тўғрисидаги ахборотни, шунингдек, уларнинг идентификация маълумотларини ва мижозлар билан ўзаро муносабатлар бўйича материалларни, жумладан, иш ёзишмаларини беш йил давомида сақлаш;

е) крипто-активлар айланмаси соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қилиш;

ж) крипто-биржа фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ахборотларни лицензияловчи орган талаби билан тақдим этиш.

9. Крипто-биржа устав фонди фақат унинг таъсисчилари пул маблағларидан шакллантирилади.

Кредитга ва гаровга олинган маблағлардан ҳамда бошқа жалб этилган маблағлардан крипто-биржа устав фондиди шакллантириш учун фойдаланишга йўл қўйилмайди.

3-боб. Лицензия олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар

10. Лицензия олиш учун лицензия талабгори лицензияловчи органга ёзма шаклда, шу жумладан почта орқали ёки электрон ҳужжат тарзида қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) лицензия бериш тўғрисидаги ариза, унда юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган ери (почта манзили), электрон почта манзили, банк муассасасининг номи ва банк муассасасида талаб қилиб олинган депозит ҳисоб рақами кўрсатилади;

б) лицензия талабгори давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

в) мазкур Низомнинг 2-иловасига* мувофиқ шаклда крипто-биржанинг аппарат-дастурий реализацияси тавсифи;

г) крипто-биржа савдосининг тасдиқланган қоидалари намунаси;

д) устав фондининг захираланган суммасининг мавжудлиги тўғрисида тижорат банкдан маълумотнома.

Барча ҳужжатлар раҳбар томонидан имзоланиши ва юридик шахснинг муҳри билан, ҳужжатлар электрон ҳужжат тарзида тақдим этилганда эса электрон рақамли имзо орқали тасдиқланиши керак.

Лицензия талабгоридан ушбу Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларнинг тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

11. Лицензия талабгори томонидан лицензияловчи органга тақдим этилган аризалар қуйидагича қабул қилинади:

шахсан келиб — ариза эгасининг ариза нусхасида қабул қилиб олинган санаси белгиси қўйилган тартибда;

почта алоқаси орқали — қабул қилинганлиги маълум қилинадиган буюртма хати орқали:

электрон алоқа орқали — ариза қабул қилинганлиги тўғрисида электрон жавоб юбориш орқали.

Қабул қилинган аризалар тўғрисидаги маълумот лицензияловчи органнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

Ҳужжатлар зарур тарзда расмийлаштирмасдан ёки тўлиқ бўлмаган ҳужжатлар тўплами тақдим этилган тақдирда, улар уч кун муддат ичида сабаблари кўрсатилган ҳолда лицензияловчи орган томонидан талабгорга қайтарилади.

4-боб. Аризани кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

12. Лицензияловчи орган томонидан лицензия олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш учун йиғим ундирилмайди.

13. Лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия талабгорининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан бирга олинган кундан бошлаб ўттиз кундан ошмайдиган муддатда қабул қилинади.

14. Лицензияловчи орган йигирма кундан ошмайдиган муддатда тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва улар асосида лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида хулоса тайёрлайди.

15. Лицензияловчи орган, таркиби лицензияловчи орган раҳбарининг ўринбосари томонидан тасдиқланган эксперт комиссияси хулосаси асосида етти кунлик муддат ичида лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

16. Лицензияловчи орган тегишли қарор қабул қилингандан кейин уч кун муддатда лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида хабардор қилади.

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Лицензия беришга қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги хабарнома лицензия талабгорига банк ҳисоб рақами реквизитлари ва давлат божи тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда, ёзма шаклда, шу жумладан, почта орқали ёки ахборот тизими орқали электрон ҳужжат тарзида юборилади (топширилади). Лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилингани ҳақидаги хабарнома билан бир вақтда лицензия талабгорига имзолаш учун лицензия битими юборилади.

17. Лицензияловчи орган ва лицензиатнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгиловчи лицензия битими лицензияловчи орган ва лицензиат ўртасида тузилади ва қўйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

битимни имзолаган мансабдор шахслар фамилияси, исми ва отасининг исми;

томонларнинг реквизитлари;

амалга оширилишига лицензия берилган фаолият турининг номи;

лицензиатга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;

лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

лицензиат томонидан лицензия битими талаблари ва шартлари бажарилишини лицензияловчи орган томонидан назорат қилиш тартиби;

ушбу Низомга кўра бошқа маълумотлар.

Лицензия битими икки нусхада тузилади, улардан бири лицензияловчи органда қолади, иккинчиси эса, лицензиатга юборилади ёки берилади.

18. Лицензиялар электрон ҳужжат тарзида расмийлаштирилади, лицензияловчи орган раҳбарининг, у бўлмаган тақдирда, унинг ўринбосарининг рақамли имзоси билан тасдиқланади, лицензияловчи органнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади ва лицензиат сўровига кўра қоғоз шаклда берилади.

19. Қоғоз шаклда лицензия берилган тақдирда, улар белгиланган шаклдаги махсус бланкаларда расмийлаштирилади. Лицензия бланкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади. Лицензия бланкалари намуналари лицензияловчи орган томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади ҳамда лицензияловчи орган буюртмаси бўйича «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида босмаҳона усулида тайёрланади.

Лицензияловчи орган раҳбари лицензиялар бланкаларининг ҳисобга олиниши, сақланиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши учун шахсан жавоб беради.

20. Лицензиялар лицензия талабгори томонидан лицензия берилиши учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилган ҳамда лицензия битими имзоланган кундан бошлаб уч кунлик муддат ичида расмийлаштирилади.

Лицензия қоғоз шаклида берилган тақдирда, лицензия лицензияловчи орган раҳбари томонидан, у бўлмаган тақдирда, унинг ўринбосари томонидан имзоланади.

21. Агар лицензиат лицензия берилиши тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақида хабарнома олган пайтдан бошлаб уч ой ичида лицензиялов-

чи органга лицензия берилиши учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этмаса ёки лицензия битимини имзоламаса, лицензияловчи орган лицензияни бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

22. Лицензия беришни рад этишга қўйидагилар асос бўлади:

лицензия талабгорининг ҳужжатларни лозим тарзда расмийлаштирмай тақдим этиши;

лицензия талабгори тақдим этган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги;

лицензия талабгорининг лицензия талаблари ва шартларига номувофиқлиги.

Бошқа асосларга кўра, шу жумладан, лицензия бериш мақсадга мувофиқ эмас, деган важ билан лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

Лицензия талабгори лицензияловчи органнинг лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан, шунингдек, лицензияловчи орган мансабдор шахсининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақли.

23. Лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, рад этиш ҳақидаги хабарнома лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни такроран кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда, шунингдек, электрон ҳужжат тарзида ахборот тизими орқали юборилади (топширилади). Лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган вақтга мутаносиб бўлиши керак.

24. Лицензия беришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар лицензия талабгори томонидан бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни лицензияловчи орган томонидан такроран кўриб чиқиш лицензия талабгорининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда олинган кундан бошлаб етти кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Лицензияловчи орган уч кунлик муддат ичида эксперт комиссияси хулосаси асосида лицензия бериш ёки беришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.

25. Лицензия талабгорининг аризасини қайта кўриб чиқишда илгари лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

Лицензия бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади.

5-боб. Лицензияни қайта расмийлаштириш ва лицензия дубликатини бериш

26. Лицензиат қайта ташкил этилганда, унинг номи ёки жойлашган ери (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ой муддатда лицензияловчи органга

кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

27. Лицензиат лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

28. Лицензияловчи орган лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Лицензияловчи орган тегишли ҳужжатлар илова қилинган лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб беш кун мобайнида лицензияни қайта расмийлаштиради.

29. Йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра ариза олинган кундан эътиборан беш иш кун ичида лицензияловчи орган томонидан дубликат берилади.

Лицензия дубликатини беришда йиғим ундирилмайди.

6-боб. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш

30. Лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назорат лицензияловчи орган томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

31. Лицензияловчи орган лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилишда ўз ваколатлари доирасида қуйидагиларга ҳақли:

крипто-биржалардан крипто-активлар айланмаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини талаб қилиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўладиган масалалар юзасидан лицензиатдан зарур ахборотни сўраш ва олиш;

текширишлар натижалари асосида, лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

лицензиатга аниқланган бузилишларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, бундай бузилишларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ёки лицензияни бекор қилиш масаласи бўйича қарор чиқариш ва (ёки) судга мурожаат қилиш;

лицензиясиз крипто-биржалар фаолияти амалга оширилаётганлиги тўғрисида аниқланган фактлар ҳақидаги маълумотларни белгиланган тартибда тегишли органларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган чоралар кўрилиши учун юбориш.

32. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текширишда

лицензияловчи орган ходимлари томонидан икки нусхада далолатнома тузилади, уларнинг биттаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси лицензияловчи органда қолади.

7-боб. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва лицензияни бекор қилиш

33. Лицензиянинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тўхтатиб турилиши мумкин:

лицензиат лицензия битимида назарда тутилган лицензия талаблари ва шартларини бузганлиги аниқланганда;

лицензияловчи органнинг аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини лицензиат зиммасига юкловчи қарори лицензиат томонидан бажарилмаганда.

34. Лицензиянинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тугатилади:

лицензиат лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилганда;

юримдик шахс тугатилганда — тугатилган пайтдан эътиборан ёки унинг фаолияти қайта ташкил этиш натижасида тугатилганда — қайта ташкил этилган пайтдан эътиборан, бундан унинг ўзгартирилиши, шунингдек, янгидан вужудга келган юримдик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида қайта ташкил этилаётган юримдик шахсларда фаолиятнинг айни бир лицензияланадиган турини амалга ошириш учун лицензия мавжуд бўлган тақдирда қўшиб юборилиши мустанасно;

лицензиат лицензия шартномасида назарда тутилган лицензия талабларини ва шартларини мунтазам равишда ёки бир маротаба қўпол равишда бузганда;

лицензиат лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришига олиб келган ҳолатларни белгилаган муддатда бартараф этмаганда.

35. Лицензия қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

ушбу Низомнинг 21-бандида назарда тутилган ҳолда;

лицензиат лицензиянинг амал қилишини бекор қилиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилганда;

лицензия сохта ҳужжатлардан ёки ишончсиз маълумотлардан фойдаланилган ҳолда олинганлиги факти аниқланганда.

36. Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Лицензиянинг амал қилиши тугатилганда ва лицензия бекор қилинганда тўланган давлат божи қайтарилмайди.

8-боб. Лицензиялар реестри

37. Лицензияловчи орган лицензиялар электрон реестрини юритади. Лицензиялар реестрида қуйидагилар кўрсатилган бўлиши лозим:

юридик шахс — лицензиат номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган ери (почта манзили), электрон почта манзили, телефон; таъсисчиларнинг устав капитали (фонди)даги улушлари ҳақида маълумот;

лицензиянинг берилган санаси ва тартиб рақами;

лицензия бланки серияси ва рақами;

лицензияни қайта расмийлаштириш, амал қилишини тўхтатиб туриш ва қайта тиклаш асослари ва санаси;

лицензиянинг амал қилишини тугатиш асослари ва санаси;

лицензиянинг амал қилишини бекор қилиш асослари ва санаси;

дубликат бериш асослари ва санаси.

38. Лицензиялар реестрида мавжуд бўлган маълумотлар лицензияловчи органнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади ва танишиб чиқиш учун очиқ бўлади.

9-боб. Лицензия берганлик учун давлат божи

39. Лицензия берганлик учун давлат божи ундирилади. Давлат божи миқдори лицензияловчи орган томонидан белгиланади.

40. Давлат божи лицензияловчи органнинг банк валюта ҳисоб рақамига чет эл юридик шахс томонидан ўтказилади.

10-боб. Яқуний қоида

41. Ушбу Низом талабларини бузганликда айбдор шахслар қонунчиликка кўра жавобгардирлар.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI
ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАЛАРГА КЎМАКЛАШИШ ВА
РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

73 «Корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳволи мониторинги ва таҳлилини ўтказиш мезонларини аниқлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга қўшимча ва ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
23 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1469-5*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 декабрдаги 1013-сон «Давлат иштирокидаги корхоналарни молиявий соғломлаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Хусусийлаштирилган корхоналарга
кўмаклашиш ва рақобатни
ривожлантириш давлат қўмитаси
раисининг биринчи ўринбосари**

Н. ШАРИПОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 11 январь,
02/16-10/40-сон

Келишилган:

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

2019 йил 11 январь

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 24 январда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмакла-
шиш ва рақобатни ривожлантириш давлат
қўмитасининг 2019 йил 11 январдаги
02/16-10/40-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитасининг 2005 йил 16 мартдаги ГС-05/0271/1-сон «Корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳволи мониторинги ва таҳлилини ўтказиш мезонларини аниқлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1469, 2005 йил 14 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 15-16-сон, 119-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2011 йил 28 декабрдаги 13-сон «Корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳволи мониторинги ва таҳлилини ўтказиш мезонларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1469-1, 2012 йил 23 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 3-4-сон, 34-модда).

3. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2013 йил 5 июлдаги 01/22-26/04-сон «Корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳволи мониторинги ва таҳлилини ўтказиш мезонларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1469-2, 2013 йил 17 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 29-сон, 378-модда).

4. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2013 йил 19 ноябрдаги 01/22-26/24-сон «Корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳволи мониторинги ва таҳлилини ўтказиш мезонларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1469-3, 2013 йил 26 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 48-сон, 627-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 27 июндаги 01/16-1-10/10-сон «Корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳволи мониторинги ва таҳлилини ўтказиш мезонларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1469-4, 2017 йил 3 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 27-сон, 627-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН
КОРХОНАЛАРГА КЎМАКЛАШИШ ВА РАҚОБАТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

74 «Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органига хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги материалларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
23 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2223-4*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 декабрдаги 1013-сон «Давлат иштирокидаги корхоналарни молиявий соғломлаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси ва Молия вазирлиги билан келишилган.
3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Хусусийлаштирилган корхоналарга
кўмаклашиш ва рақобатни
ривожлантириш давлат қўмитаси
раисининг биринчи ўринбосари**

Н. ШАРИПОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 11 январь,
02/16-10/41-сон

Келишилган:

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. МУСАЕВ

2019 йил 11 январь

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 25 январда эълон қилинган.

*Давлат статистика
қўмитаси раиси*

Б. БЕГАЛОВ

2019 йил 11 январь

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

2019 йил 11 январь

Ўзбекистон Республикаси
Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмакла-
шиш ва рақобатни ривожлантириш давлат
қўмитасининг 2019 йил 11 январдаги
02/16-10/41-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2011 йил 16 мартдаги 3-сон «Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органига хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги материалларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2223, 2011 йил 2 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 18-сон, 185-модда).

2. Ўзбекистон Республикасининг Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2012 йил 5 октябрдаги 10-сон «Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органига хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги материалларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2223-1, 2012 йил 18 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 41-42-сон, 491-модда).

3. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2013 йил 5 июлдаги 01/22-26/05-сон «Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органига хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги материалларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2223-2, 2013 йил 17 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 29-сон, 379-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 10 июлдаги 01/16-26/15-сон «Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи-

га хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги материалларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2223-3, 2017 йил 4 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 31-сон, 790-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ЛОЙИҲА БОШҚАРУВИ
МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

75 **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Абу Райҳон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактабига ўқишга қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
23 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3128*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги ПҚ–3930-сон «Корпоратив, лойиҳа бошқаруви ва давлат харидлари соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан **бюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Абу Райҳон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактабига ўқишга қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Директорнинг
биринчи ўринбосари**

Д. ЛИ

Тошкент ш.,
2019 йил 7 январь,
3-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 23 январда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви
миллий агентлиги директорининг
2019 йил 7 январдаги 3-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха
бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Абу Райҳон Беруний
номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактабига
ўқишга қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш
тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги ПҚ–3930-сон «Корпоратив, лойиха бошқаруви ва давлат харидлари соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Абу Райҳон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактабига (бундан буён матнда Олий мактаб деб юритилади) ўқишга қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Олий мактаб магистратурасида бошқарув кадрларни тайёрлаш тўлов-контракт асосида, ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда, олий таълимнинг давлат таълим стандартларига мувофиқ меъёрий ва қисқартирилган муддатларда, ўқишни тамомлагандан кейин тегишли мутахассислик бўйича магистр даражасини берувчи давлат намунасидаги ҳужжат бериладиган тартибда амалга оширилади.

2. Олий мактаб магистратураси дастурлари бўйича ўқитиш етакчи хорижий таълим муассасаларининг ўқув режалари ва дастурлари асосида «икки диплом» (double degree) модели бўйича Ўзбекистон Республикасида тан олинган давлат намунасидаги дипломлар берилиши орқали амалга оширилиши мумкин.

3. Олий мактаб «Лойиха бошқаруви» («Project management») мутахассислиги бўйича бир йиллик магистратура, «Бизнес бошқаруви» («Master of Business Administration — MBA») мутахассислиги бўйича икки йиллик магистратурада ўқитишни амалга оширади.

Ўқитиш муддати ва шакллари Олий мактаб томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги (бундан буён матнда Агентлик деб юритилади) билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

4. Олий мактаб магистратурасига кириш тест синовлари ва суҳбат шак-

лида, номзодларнинг танловига кўра ўзбек, рус ёки инглиз тилида амалга оширилади.

5. Олий мактаб магистратурасига ўқишга барча учун тенг ҳуқуқлилиқ, ягона қабул қоидалари ва ягона танлов принциплари асосида қабул қилинади.

6. Олий мактаб магистратурасида ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олаётган тингловчиларнинг асосий иш жойи ва ўртача иш ҳақи миқдори ўқиш муддати мобайнида сақланади. Бунда иш берувчи тасдиқланган иш ҳақи фонди доирасида магистратурада таълим олаётган тингловчининг ўқишни тамомлаш даври якунига қадар муддатга тузилган шартнома асосида бошқа ходимларни тегишли иш жойига қабул қилиши мумкин.

2-боб. Олий мактаб магистратурасига қабул қилиш ва ўқишни ташкил этиш

7. Олий мактабнинг магистратурасига ўқишга қабул қилишнинг йиллик квотаси Агентлик томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади.

8. Олий мактаб магистратурасига олий маълумотга, шу жумладан хорижий мамлакатларда олинган олий маълумотга (дипломли мутахассис, бакалавр) ва олий таълим муассасасини тамомлагандан кейин қўйидаги зарур иш стажига эга бўлган фуқаролар қабул қилинади:

ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим учун — уч йилдан кам бўлмаган;

ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим учун — беш йилдан кам бўлмаган.

9. Олий мактаб магистратурасига қабул қилишни ташкил этиш учун қабул комиссияси (бундан буён матнда Комиссия деб юритилади) ташкил этилади. Комиссия аъзоларининг сони ва шахсий таркиби, шунингдек иш регламенти Олий мактаб директори томонидан Агентлик билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

10. Олий мактаб магистратурасига кириш истагини билдирган номзодлар Олий мактабнинг расмий веб-сайти (бундан буён матнда веб-сайт деб юритилади) орқали Олий мактабнинг директори номига қўйидаги ҳужжатларнинг нусхаларини илова қилган ҳолда ариза билан мурожаат қилишади:

олий маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг нусхаси;

иш стажини тасдиқлайдиган белгиланган намунадаги ҳужжат;

4 x 6 ўлчамдаги рангли фотосурат;

паспорт (имтиҳон вақтида асл нусхаси тақдим этилади).

Олий мактаб магистратурасига кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган тингловчилар юқорида кўрсатилган ҳужжатларнинг аслини ёки уларнинг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаларини Олий мактабга тақдим этади.

11. Шартнома шартлари, томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари,

тўловларни амалга ошириш тартиби қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади ва веб-сайтда эълон қилинади.

12. Олий мактаб магистратурасига қабул қилиш шартлари, ҳужжатларни қабул қилиш муддатлари, Олий мактаб магистратурасига ҳужжатларни қабул қилиш муддати тугашидан камида бир ой олдин веб-сайтда оммавий эълон қилинади.

13. Номзодлар мазкур Низомда белгиланган талабларга мувофиқ бўлган тақдирда магистратурага қабул қилиш учун ўтказиладиган тест синовларида иштирок этишига йўл қўйилади.

14. Олий мактаб магистратурасига қабул қилиш учун ўтказиладиган тест синовларида иштирок этишга йўл қўйилганлар рўйхати веб-сайтда эълон қилинади.

15. Тест ўтказиш тартиби, тест синовлари амалга ошириладиган фанлар рўйхати Комиссия томонидан белгиланади.

Тест синовларининг саволлари Комиссия томонидан тузилади.

Тест синовлари Олий мактаб томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилади.

Тест синовлари натижалари Комиссия томонидан тегишли баённома расмийлаштирилади. Номзодларнинг тестдан қайта ўтказилишига йўл қўйилмайди.

16. Тест синовларидан муваффақиятли ўтган номзодлар суҳбатга киришига рухсат этилади.

Номзодлар билан суҳбат шахсий мулоқот ўтказиш орқали уларда бошқарув қобилиятларига эга эканлик даражасини баҳолаш, тизимли ва аналитик фикрлаш қобилиятларини, етакчилик сифатларини аниқлаш юзасидан амалга оширилади.

Суҳбат ўтказиш тартиби, номзоднинг ўқитилиши режалаштирилаётган йўналиш бўйича зарур билим даражаси, шунингдек унинг натижаси бўйича номзоднинг билимини баҳолаш мезонлари Олий мактаб томонидан белгиланади.

Суҳбат натижаларига кўра Комиссия томонидан тегишли баённома расмийлаштирилади. Номзодларнинг суҳбатдан қайта ўтказилишига йўл қўйилмайди.

17. Олий мактаб магистратурасига кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган номзодлар белгиланган квоталар доирасида Комиссия томонидан Олий мактаб магистратурасига қабул қилиш учун тавсия этилади.

18. Олий мактаб магистратурасига кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган номзодлар рўйхати веб-сайтда эълон қилинади.

19. Комиссиянинг номзодларни Олий мактаб магистратурасига қабул қилиш ҳақидаги қарори асосида номзод (ташкilot) билан тўлов-контракт асосида ўқитиш тўғрисида тегишли шартнома тузилади.

20. Белгиланган намунадаги шартнома бланкалари Олий Мактаб томонидан магистратурага кириш имтиҳонлари натижалари эълон қилинганидан кейин берилади.

21. Тингловчиларни Олий мактаб магистратурасига қабул қилиш Комиссия қарорига мувофиқ Олий мактаб директорининг буйруғи билан, шартномада белгиланган муддатларда тегишли таълим тўлови тўланганидан кейин амалга оширилади.

22. Номзод томонидан шартномада кўрсатилган муддатда таълим тўлови тўланмаган тақдирда, унинг ўрнига тўпланган баллар сони бўйича навбатдаги номзод қабул қилинади.

23. Тингловчилар Олий мактабнинг ички тартиб-қоидаларини бузганлиги ёки академик қарздорлик сабабли тингловчилар сафидан чиқарилган тақдирда, мазкур тингловчи учун амалга оширилган таълим тўлови қайтарилмайди.

24. Олий мактаб магистратурасига кириш имтиҳонларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Олий мактаб маблағлари ҳисобига копланadi.

25. Олий мактаб магистратурасига кириш имтиҳонларидан ўта олмаган номзод имтиҳон натижалари эълон қилинган кундан бошлаб уч кун ичида Олий мактаб орқали апелляция комиссиясига апелляция бериш ҳуқуқига эга.

26. Апелляция комиссиясининг таркиби Агентлик директорининг буйруғи билан қабул комиссияси фаолиятида иштирок этмаган шахслар орасидан шакллантирилади.

Апелляция комиссияси апелляция шикоятини уч иш куни ичида кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор тўғрисида номзодга шу куннинг ўзида ёзма равишда хабар беради.

27. Номзоднинг апелляциясини кўриб чиқишда номзод иштирок этиш ҳуқуқига эга.

28. Апелляция комиссияси номзоднинг шикоятини кўриб чиқиб, унинг натижаси бўйича тегишли қарор қабул қилади. Қарорда номзоднинг шикоятини қаноатлантириш ёки қаноатлантиришни рад этиш масаласи кўрсатилади.

3-боб. Олий мактаб ўқув курсларига қабул қилиш ва ўқитиш

29. Олий мактабда ўқув курслари ўқишни тамомлагандан кейин тегишли тасдиқловчи ҳужжатлар бериладиган махсус таълим дастурлари асосида ўтказилади.

30. Олий мактаб махсус таълим дастурлари асосида:

бизнесни бошқариш ва корпоратив бошқарув йўналиши бўйича хўжалик бошқаруви органлари, акционерлик жамиятлари ва бошқа тадбиркорлик субъектларининг олий маълумотга эга бўлган (дипломли мутахассис, бакалавр) юқори ва ўрта бўғин раҳбарларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш;

имтиҳонларни муваффақиятли топширганда белгиланган намунадаги сертификат берган ҳолда лойиҳа бошқаруви ва давлат харидлари соҳасида дав-

лат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

белгиланган намунадаги малака сертификати берилган ҳолда баҳоловчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этади.

31. Ўқув курсларида ўқиш истагини билдирган номзодлар директор номига веб-сайт орқали ариза ёзиб, анкета тўлдирадилар ҳамда унга шахсий паспорт ва зарурат бўлганда таълим олганлиги тўғрисидаги ҳужжат нусхаларини илова қиладилар.

32. Ўқув курсларининг қиймати Агентлик билан келишилган ҳолда директор томонидан тасдиқланади.

Ўқув курсларини ўтказиш санаси, давомийлиги, таълим шакли, ариза топширишнинг тугаллаш муддатлари, шартнома шартлари, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, тўловларни амалга ошириш тартиби ва ўқув курслари бўйича бошқа маълумотлар директор томонидан тасдиқланади ва веб-сайтда эълон қилинади.

33. Тингловчиларни Олий мактаб ўқув курсларига қабул қилиш директорнинг буйруғи шартномада белгиланган муддатларда ва шаклда, ўқитиш учун тегишли миқдордаги тўлов тўланганидан кейин амалга оширилади.

4-боб. Яқуний қоида

34. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ ЛОЙИХА БОШҚАРУВИ МИЛЛИЙ
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

76 Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Абу
Райҳон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув республика
олий мактаби профессор-ўқитувчилари таркибини танлаб
олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
23 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3129*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги ПҚ–3930-сон «Корпоратив, лойиҳа бошқаруви ва давлат харидлари соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Абу Райҳон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактаби профессор-ўқитувчилари таркибини танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Директорнинг
биринчи ўринбосари**

Д. ЛИ

Тошкент ш.,
2019 йил 7 январь,
4-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 23 январда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви
миллий агентлиги директорининг
2019 йил 7 январдаги 4-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха
бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Абу Райҳон Беруний
номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактаби
профессор-ўқитувчилари таркибини танлаб олиш
тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги ПҚ-3930-сон «Корпоратив, лойиха бошқаруви ва давлат харидлари соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Абу Райҳон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактаби (бундан буён матнда Олий мактаб деб юритилади) профессор-ўқитувчилари (бундан буён матнда педагог ходимлар деб юритилади) таркибини танлаб олиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Чуқур касбий билимларга ва илмий ютуқларга, ижодий, илмий салоҳиятга, юксак интеллектуал қобилият ва ахлоқий фазилатларга эга бўлган, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари даражасида мутахассислар тайёрлаш билан шуғулланишга муносиб бўлган энг малакали педагог ходимларни танлаш учун рақобат муҳитини яратиш ва таъминлаш танловнинг мақсади ҳисобланади.

2. Олий мактабнинг педагог ходимлари тоифасига кафедра мудирини, профессор, доцент, катта ўқитувчи лавозимини эгаллаб турган шахслар қиради.

3. Олий мактабнинг педагог ходимлар таркибини танлаб олиш беш йил муддатга танлов асосида амалга оширилади.

4. Беш йиллик муддат тамом бўлгандан кейин кўрсатиб ўтилган лавозимлар мазкур Низомга мувофиқ танлов асосида эгалланади.

Бир таркибий бўлинманинг икки ва ундан ортиқ тенг лавозимларига бир вақтда танлов ўтказилмайди.

5. Педагог ходимлар лавозимларини эгаллашнинг беш йиллик муддати даврида Олий мактабнинг илмий кенгаши (бундан буён матнда Илмий кенгаш деб юритилади) томонидан ҳар бир ўқув йили якунлари бўйича педагог ходимлар фаолияти ҳар томонлама ўрганиб чиқилади.

Педагог ходимлар фаолиятини ўрганиш тартиби ва мезонлари Илмий

кенгаш томонидан тасдиқланади. Педагог ходимлар фаолиятини ўрганиш натижалари Илмий кенгаш йиғилишида кўриб чиқилади.

Педагог ходимлар фаолиятини ўрганиш натижаларига кўра Илмий кенгаш педагог ходимларни рағбатлантириш, меҳнат шартномасининг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш, бирлаштирилган кафедра мудири лавозимига тайинлаш ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа қарорлар қабул қилиши мумкин.

2-боб. Лавозимлари танлов бўйича эгалланадиган педагог ходимлар ва танлов иштирокчиларига қўйиладиган малака талаблари

6. Кафедра мудири лавозимини эгаллаш учун танловда профессор ёки доцент илмий унвонига, фан номзоди, фалсафа доктори (Ph.D), фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига, шунингдек хорижий мамлакатларнинг тегишли мутахассислик бўйича уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлган шахс иштирок этиши мумкин.

Доцент (фан номзоди, фалсафа доктори (Ph.D) ёки хорижий мамлакатларнинг тегишли мутахассислик бўйича унга тенглаштирилган бошқа илмий даражалари) кафедра мудири лавозимини эгаллашга бир беш йиллик муддатга қўйилади.

Бир муддат тамом бўлгандан кейин кафедра мудири лавозимини эгаллаб турган ва фан доктори илмий даражасини олмаган доцент (фан номзоди, фалсафа доктори (Ph.D) ёки хорижий мамлакатларнинг тегишли мутахассислик бўйича унга тенглаштирилган бошқа илмий даражалари) танловда иштирок этишига йўл қўйилмайди.

Фан номзоди, фалсафа доктори (Ph.D) ёки хорижий мамлакатларнинг тегишли мутахассислик бўйича унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган айнан бир шахснинг кафедра мудири лавозимига танловда учинчи муддатга иштирок этишига йўл қўйилмайди.

Чет тиллари кафедраси мудири лавозимини эгаллаш учун танловда иштирок этишга доцент илмий унвонига (фан номзоди, фалсафа доктори (Ph.D) ёки хорижий мамлакатларнинг тегишли мутахассислик бўйича унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига) эга бўлмаган, бироқ камида беш йил методик, илмий-педагогик ва ташкилий фаолият тажрибасига эга бўлган шахс қўйилиши мумкин.

7. Профессор лавозимини эгаллаш учун танловда, қоидага кўра, профессор илмий унвонига ёки фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига, шунингдек хорижий мамлакатларнинг тегишли мутахассислик бўйича унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлган шахс иштирок этиши мумкин.

Профессор лавозимини эгаллаш учун танловда, шунингдек, фан номзоди, фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хорижий мамлакатлар-

нинг тегишли мутахассислик бўйича унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган шахс камида беш йил илмий-педагогик иш стажига эга бўлиш, ушбу кафедранинг таълим йўналишлари бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмалари муаллифи бўлиш шarti билан бир муддатга иштирок этиши мумкин.

8. Доцент лавозимини эгаллаш учун танловда доцент илмий унвонига, катта илмий ходим ёки фан номзоди, фалсафа доктори (Ph.D), фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг тегишли мутахассислик бўйича уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлган шахс иштирок этиши мумкин.

Бир муддатга доцент лавозимини эгаллаш учун танловда, шунингдек тегишли илмий унвонга ва илмий даражага эга бўлмаган, бироқ ушбу мутахассислик бўйича камида беш йиллик амалий иш тажрибасига эга бўлган юқори малакали мутахассис иштирок этиши мумкин.

9. Катта ўқитувчи лавозимини эгаллаш учун танловда олий маълумотга эга бўлган шахс (магистр, дипломли мутахассис), шу жумладан, хорижий мамлакатларда олинган олий маълумотга эга, илмий даража (шу жумладан, фалсафа доктори (Ph.D) даражасига ёки хорижий мамлакатларнинг тегишли мутахассислик бўйича унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига) ва илмий унвонга эга бўлган ҳамда бундай даража ва унвонга эга бўлмаган, бироқ камида беш йиллик ўқитувчилик, илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш ишлари тажрибасига эга бўлган шахслар ҳам қатнашиши мумкин.

10. Ҳомиладор аёллар, шунингдек, уч ёшгача болалари бўлган аёллар эгаллаб турган лавозимларга танлов эълон қилинмайди.

11. Олий мактабга ўқитувчи лавозимига соатбай ҳақ тўлаш шартларида ишга кираётган шахслар танловсиз директорнинг буйруғи билан белгиланган тартибда мансаб йўриқномаси талаблари асосида қабул қилинади.

3-боб. Танловларни ўтказиш тартиби

12. Олий мактаб сайлаш муддати ушбу ўқув йилида тамом бўладиган, шунингдек, бўш лавозимларга кафедра мудирлари, профессорлар, доцентлар, катта ўқитувчилар лавозимларини эгаллашга танлов эълон қилади.

13. Танлов бўйича сайлов Илмий кенгашда ўтказилади.

Илмий кенгашда сайланадиган лавозимларнинг рўйхатини директор белгилайди.

14. Танловлар матбуотда ёки бошқа оммавий ахборот воситаларида ҳамда Олий мактабнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади. Танловда қатнашиш учун аризалар эълон чиққан кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмай берилиши керак.

15. Танловда қатнашишни хоҳловчилар директор номига Олий мактабнинг расмий веб-сайти орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза берадилар:

Олий мактабнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилган намунада тузилган резюме (анкета);

олий маълумот тўғрисидаги дипломларнинг нусхалари.

Танловда қатнашишни хоҳловчи шахсда илмий даража (шу жумладан, фалсафа доктори (Ph.D) ёки хорижий мамлакатларнинг даражасига унга тенглаштирилган бошқа илмий даражалари), илмий унвон ҳамда илмий ишлар ва ихтиролар мавжуд бўлган тақдирда, тегишли дипломлар, аттестатлар, илмий ишлар рўйхати, малака ошириш тўғрисидаги гувоҳномалар ҳам илова қилиниши лозим.

Нотўғри маълумотларнинг тақдим этилиши танловда қатнашишни рад этишга асос бўлади.

16. Илмий кенгаш котиби томонидан танловда қатнашиш учун келиб тушган аризалар ва барча зарур ҳужжатлар илова қилинганлиги, шу жумладан, уларнинг мазкур Низом талабларига мувофиқлиги ўрганиб чиқилганидан сўнг, Илмий кенгашга кўриб чиқиш учун киритилади.

17. Ҳужжатларни кўриб чиқишдан олдин:

илгари Олий мактабда ишламаган, шунингдек, Олий мактабнинг бошқа кафедраларида ишлаган шахслар томонидан синов лекциялари ўтказилади;

танлов ўтказилаётган кафедрада ишлаб келаётган шахслар томонидан очик машғулотлар ўтказилади.

Синов лекциялари ва очик машғулотлар мавзулари кафедра предметлари бўйича ўқув дастури талабларига мувофиқ бўлиши керак.

18. Илмий кенгаш йиғилишида ҳар бир номзоднинг аризаси ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар ўрганилади, шунингдек, номзоднинг мазкур Низом билан ўрнатилган талабларга мувофиқлиги, илгари эгаллаб турган лавозими бўйича танловда қатнашаётган шахслар бўйича эса уларнинг ўтган даврдаги педагогик фаолияти натижалари кўриб чиқилади.

19. Илмий кенгаш қарори очик овоз бериш йўли билан қабул қилинади ҳамда йиғилишда иштирок этган Илмий кенгаш аъзоларининг имзолари билан тасдиқланадиган баённома кўринишида расмийлаштирилади. Овоз бериш натижалари баённомада Илмий кенгашнинг ҳар бир аъзоси кесимида кўрсатилади.

Ҳар бир Илмий кенгаш аъзоси битта овоз ҳуқуқига эга.

Эгаллаш учун танлов эълон қилинган лавозимни эгаллаб турган шахс материалларни кўриб чиқиш чоғида овоз беришда қатнашмайди.

20. Танловни ўтказишда Илмий кенгаш қарори, агар овоз беришда илмий кенгашнинг таркибидаги аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашган бўлса, ваколатли ҳисобланади. Илмий кенгашнинг овоз беришда қатнашган аъзоларининг кўпчилик овозини, бироқ 50 фоиздан кам бўлмаган овозини олган номзод танловдан ўтган ҳисобланади.

Бирортаси ҳам талаб қилинган миқдорда овоз ололмаган икки нафардан кўп номзодлар қатнашган тақдирда, Илмий кенгашнинг айнан шу мажлисида дастлабки икки талабгор ўртасида такрорий овоз бериш ўтказилади. Агар икки номзод қатнашган танловни ўтказишда овозлар сони тенг бўлиб қолса, раиснинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Илмий кенгаш қарори директорнинг буйруғи билан тасдиқланади.

Танловда қатнашиш учун аризалар мавжуд бўлмаган тақдирда, танлов ўтказилмаган ҳисобланади.

21. Танлов иштирокчиларига уларнинг номзодлари муҳокама қилинаётган Илмий кенгаш йиғилишида қатнашиш ёки уларнинг хоҳишларига кўра Илмий кенгаш қарори билан танишиш ҳуқуқи берилади.

22. Илмий кенгаш котиби танлов натижалари тўғрисида ўн кун муддатда унда қатнашган шахсларни ёзма равишда хабардор қилади.

4-боб. Меҳнат шартномаси (контракт)ни тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш

23. Олий мактабда ишлайдиган ва танловдан ўтган шахсларнинг меҳнат шартномаларига қуйидагилар киритилади:

а) улар илгари эгаллаб келган лавозим учун — меҳнат муносабатларини янги муддатга узайтириш тўғрисидаги маълумотлар ёзилади ва тегишли буйруқ чиқарилади;

б) бошқа лавозимлар учун — танловдан ўтганлик тўғрисида Илмий кенгаш қарорига хавола қилган ҳолда тегишли ўзгартиришлар ва бошқа лавозимга ўтказиш тўғрисида буйруқ чиқарилади.

Давлат бошқаруви органи қарорига кўра педагог ходимлар аттестациядан ўтказилган тақдирда аттестация якунларига кўра иш берувчи ва ходимлар ўртасидаги меҳнат муносабатлари масалалари, шахснинг танлов бўйича эгалланадиган лавозимда бўлиш муддатидан қатъи назар, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

24. Илгари эгаллаб келган лавозими учун танловдан ўтмаган, шунингдек, танловда қатнашиш учун ариза бермаган шахслар билан меҳнат шартномаси янги муддатга танловдан ўтмаганлиги ёхуд танловда қатнашишни рад этганлиги сабабли директор томонидан белгиланган муддатларда (қоидага кўра, ўқув семестри, йили тамом бўлгандан кейин) меҳнат қонунчилигига мувофиқ бекор қилинади.

25. Кафедралар бирлаштирилганда ёки кафедра бўлинганда педагог ходимлар бўйича муддатидан илгари танловлар ўтказишга йўл қўйилмайди.

Кафедралар бирлаштирилган тақдирда янгидан ташкил этилган кафедра мудири лавозимини вақтинча эгаллаш масаласини Илмий кенгаш олдиндан танлов эълон қилмасдан, ушбу Низомнинг 5-бандига асосан, бирлаштирилган кафедралар педагог ходимлари фаолиятини ўрганиш натижаларини инобатга олган ҳолда ҳал қилади.

Кафедра бўлинган тақдирда унинг мудири сайланган муддати ўтгунгача, директорнинг буйруғи билан янгидан ташкил этилган кафедралардан бирининг мудири лавозимига тайинланади. Бошқа кафедранинг мудири лавозимига танлов бўйича мудар тайинланади.

26. Директорга танлов ўтказилгунга қадар кафедранинг ўқитувчиларидан биттасига бўш кафедра мудири лавозими бўйича вазифаларни бажаришни юклашга руҳсат этилади.

Вакиллик органларида сайлаб қўйиладиган лавозимга сайлангани муно-

сабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинган ўқитувчи сайлаб қўйиладиган лавозимдаги ваколати тугаганидан кейин танлов натижаларига кўра сайланган муддати тугагунгача Олий мактабда илгари эгаллаб келган ёки унга тенг бўлган педагог ходими лавозимига тайинланади.

27. Директор педагог ходимларнинг эгаллаб турган лавозимларига мувофиқлиги тўғрисидаги масалани Илмий кенгашда кўриб чиқиш учун кириштиш ҳуқуқига эга.

Илмий кенгашда педагог ходимнинг эгаллаб турган лавозимига мувофиқлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқишдан олдин унинг фаолияти ўрганиб чиқилиши керак.

Илмий кенгаш қарори асосида педагог ходимни эгаллаб турган лавозимига номувофиқлиги бўйича вазифасидан озод қилишга унинг малакаси етарли бўлмаганлиги сабабли илмий-методик ва ташкилий ишлар, шунингдек, лекция ва семинар машғулотилари ўтказиш даражаси паст бўлган тақдирда йўл қўйилади.

Агар Илмий кенгаш қарорига кўра кафедра мудирини, профессор, доцент, катта ўқитувчи эгаллаб турган лавозимига номувофиқ деб топилса, у билан тузилган меҳнат шартномаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилинади.

Кафедра мудирини билан тузилган меҳнат шартномаси у томонидан кафедрага раҳбарлик қилиш бўйича ўз функционал вазифаларини бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги сабабли ҳам Илмий кенгаш қарорига мувофиқ бекор қилиниши мумкин.

5-боб. Якуний қоидалар

28. Педагог ходимлар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш масалаларига доир меҳнат низолари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

29. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

77 Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга доир йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
23 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3028-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 октябрдаги ПФ-5564-сон «Товар бозорларида савдони янада эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/21-сон қарори (рўйхат рақами 3028, 2018 йил 29 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 26-сон, 530-модда) билан тасдиқланган Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга доир йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 15 декабрь,
39/19-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 24 январда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил
15 декабрдаги 39/19-сон қарорига
ИЛОВА

Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга доир йўриқномага киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 1-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«**инкасса хонаси** — нақд пул тушумлари солинган ва белгиланган тартибда пломбаланган сумкани (қопни) бевосита мижоздан қабул қилиб олиш учун мўлжалланган хона.».

2. Қуйидаги мазмундаги 46¹-банд билан тўлдирилсин:

«46¹. Нақд пул тушумлари солинган ва белгиланган тартибда пломбаланган сумкадаги (қопдаги) нақд пул тушумларини банк филиалига ўзлари олиб келган мижозлар мазкур Йўриқноманинг 8^а-иловасига мувофиқ шаклдаги бланкни тўлдирган ҳолда инкасса хонасига топширади.

Нақд пулни қабул қилган касса ходимлари (банк иш куни мобайнида масъул касса ходимлари, банк иш куни яқунлангач ёки дам олиш кунлари кечки касса ходимлари) мазкур банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган бланкнинг қвитанция қисмига имзо қўйган ва муҳр босган ҳолда уни мижозга қайтариб беради.

Банк касса тармоғида инкасса хонаси алоҳида ёки иш ҳажмидан келиб чиққан ҳолда кирим, чиқим кассаларида ёки мижозларга касса хизмати кўрсатиладиган бошқа касса хоналарида ташкил этилади.

Банк филиалининг қайта санаш кассаси кассирлари ушбу сумкадаги (қопдаги) нақд пулларни сараланиши, саналиши, тушум пулларни мижознинг ҳисобварағига кирим қилиниши, банкдаги мижознинг бўш сумкасини (қопини) унга қайтариб бериш ҳамда ушбу касса операцияларини бажаришга доир ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши мазкур Йўриқномада белгиланган тартибда амалга оширилади.».

3. 81-банднинг иккинчи хатбошисидаги «мазкур ҳолатлар мазкур далолатномада» деган сўзлар «ушбу ҳолатлар мазкур ҳужжатларнинг далолатнома қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 96-банднинг иккинчи хатбошисидаги «тўртбурчак» деган сўз «учбурчак» деган сўз билан алмаштирилсин.

5. 170-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Банк биносидан ташқарида ташкил этилган кассаларда иш куни яқунлангач нақд пул ва бошқа қимматликлар қолдиғини банк кечки кассасига чакана амалиёт кассаси кассири томонидан топширилганда мазкур Йўриқноманинг 8^а-иловасига мувофиқ шаклдаги бланк тўлдирилади.».

6. 208-банднинг биринчи хатбошисидаги «эшиги бўлган темир стеллаж, сейф ёки қулфланадиган темир жавонларда» деган сўзлар «қулфланадиган темир стеллаж, сейф ёки темир жавонларда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 210-банднинг иккинчи хатбошисидаги «ҳамда нақд пул ва улар» деган сўзлар «ҳамда улар нақд пул ва» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 233-банддаги «Бу ҳақида» деган сўзлар «Мазкур жараён» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 299-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«299. Банкнинг нақд пул ва бошқа қимматликларини ташиш ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг нақд пул тушумларини ўз вақтида инкассация қилиш ва дахлсизлигини таъминлаган ҳолда банк кассаларига етказиб бериш мақсадида инкассация хизматлари ташкил этилади.».

10. 300-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

11. 301-банддан «Республика инкассация хизматининг бўлинмалари томонидан» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

12. 303-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

13. 304-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«304. Нақд пул ва бошқа қимматликларни ташиш ва инкассация қилиш билан боғлиқ бўлган ишларни бажарувчи инкассация хизматининг ҳар бир ходими билан моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилиши лозим.».

14. 305-банддаги «инкассация хизмати» деган сўзлар «Марказий банкнинг «Республика инкассация хизмати» давлат унитар корхонаси (бундан буюн матнда Республика инкассация хизмати деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

15. 325-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«325. Нақд пул ва бошқа қимматликларни банклар ўртасида ёки ҳудудлараро ташиш шартномага асосан инкассация хизматлари томонидан амалга оширилади.».

16. 334-банднинг биринчи хатбошиси «туширилганлиги ҳамда» деган сўзлардан кейин «пломба босилган тизимчанинг узилмаганлигини» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

17. 336-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«336. Инкассаторлар томонидан нақд пул ва бошқа қимматликлар ташиш учун қабул қилиб олинганида, касса мудирини ёки унинг кўрсатмасига биноан бошқа касса ходимининг назорати остида инкассаторлар уларни стандарт брезент қопларга жойлайдилар. Ҳар бир қопнинг оғзи тикилиб, тизимча билан икки ярим айланишда сиқиб боғланади. Тизимчанинг бир учи матодан тайёрланган ёрликдан ўтказилиб, ёрликда жўнатувчи банк номи, қопга солинган нақд пул ва бошқа қимматликларнинг номинал қиймати ҳамда умумий суммаси, қопнинг ўраб-боғланган санаси кўрсатилиб, тизимча учлари маҳкам боғланган ҳолда қоп белгиланган тартибда пломбланади.».

18. 346-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«346. Нақд пул ва бошқа қимматликларни ташиш инкассация хизматларининг ёпиқ кузовли махсус автомашиналарида амалга оширилиши лозим. Инкассация хизматлари нақд пул ва бошқа қимматликларни ташиб бориш, белгиланган банкка бут ва ўз вақтида етказиб бериш, уларнинг дахлсизлигини таъминлаш чораларини қўриши лозим.».

19. 347-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

20. 350-банднинг иккинчи хатбошисидаги «иккинчи нусхаси» деган сўзлар «биринчи нусхаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

21. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 1-иловасига мувофиқ таҳрирда 8^а-илова билан тўлдирилсин.

22. 13, 14^а, 14^б, 14^в, 16, 20, 24, 42, 44, 45 ва 46-илвалар мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 2 — 12-илваларига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

78 Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек харажатларни қоплаш бўйича суммаларнинг тўланишини ҳамда ташкилотлар томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар учун харажатлар амалга оширилиши тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
23 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2836-2*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 сентябрдаги 766-сон «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки Бошқарувининг 2016 йил 5 октябрдаги 78, 2016-34 ва 341-В-сон қарори (рўйхат рақами 2836, 2016 йил 3 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 йил, 44-сон, 516-модда) билан тасдиқланган Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек, харажатларни қоплаш бўйича суммаларнинг тўланишини ҳамда ташкилотлар томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар учун харажатлар амалга оши-

* 2 — 12-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

** Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 24 январда эълон қилинган.

рилиши тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 10 январь,
3-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 10 январь,
2019-03-сон

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 10 январь,
341-В-2-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги, Давлат солиқ
қўмитаси ва Марказий банк Бошқарувининг
2019 йил 10 январдаги 3, 2019-03 ва
341-В-2-сон қарорига
ИЛОВА

**Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек
харажатларни қоплаш бўйича суммаларнинг тўланишини
ҳамда ташкилотлар томонидан пенсия, нафақа ва бошқа
тўловлар учун харажатлар амалга оширилиши тартиби
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Ўзбекистон Республикасининг Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармасига ягона ижтимоий тўлов бўйича ажратмаларнинг бир қисми кўринишида келиб тушган маблағлар Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 июлдаги 482-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда тақсимланади.»

2. 16-банддаги «ўнинчи санасига» деган сўзлар «15-санасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 17-банднинг иккинчи хатбошисидаги «ўнинчи санасидан» деган сўзлар «25-санасидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 47-банднинг учинчи хатбошисидаги «15» рақами «25» рақами билан алмаштирилсин.

5. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган.

*Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири*

Ш. КУДБИЕВ

2018 йил 29 декабрь

*Қасаба уюшмалари Федерацияси
Кенгаши раиси*

К. РАФИҚОВ

2018 йил 29 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ АГЕНТЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

79 **Автомобиль транспорти ҳайдовчилари меҳнатига ҳақ тўлашнинг умумий шартлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
23 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3130*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 июлдаги 538-сон «Ўз кучини йўқотаётган умуммажбурий идоравий ҳужжатларнинг ўрнига янги норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги **қарор қилади:**

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 24 январда эълон қилинган.

1. Автомобиль транспорти ҳайдовчилари меҳнатига ҳақ тўлашнинг умумий шартлари тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири**

Ш. КУДБИЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 22 январь,
2-2019/ққ-сон

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 22 январь,
9-сон

**Ўзбекистон автомобиль
транспорти агентлиги бошлиғи**

Д. ДЕХКАНОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 22 январь,
1/103-сон

Ўзбекистон Республикаси
Бандлик ва меҳнат муносабатлари
вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда
Ўзбекистон автомобиль транспорти
агентлигининг 2019 йил 22 январдаги
2-2019/ққ, 9,1/103-сон қарорига
ИЛОВА

**Автомобиль транспорти ҳайдовчилари меҳнатига
ҳақ тўлашнинг умумий шартлари тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 июлдаги 538-сон «Ўз кучини йўқотаётган умуммажбурий идоравий ҳужжатларнинг ўрнига янги норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ автомобиль транспорти ҳайдовчилари меҳнатига ҳақ тўлашнинг умумий шартларини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Автомобиль транспорти ҳайдовчилари (бундан буён матнда ҳайдов-

чилар деб юритилади) меҳнатига ҳақ тўлашнинг умумий шартлари бюджет ташкилотлари, давлат корхоналари, муассасалари ва устав капиталида давлат улуши 50 фоиздан кўпроқни ташкил этадиган ташкилотлар учун (бундан буён матнда ташкилотлар деб юритилади) мажбурийдир, бошқа ташкилотлар учун тавсия хусусиятига эга.

2. Қўйидагилар ҳайдовчиларининг иш ҳақи ҳисобланади:
бажарилган иш ёки ишланган вақт учун тўланадиган ҳақ;
рағбатлантирувчи ва компенсацияловчи устама ва қўшимча ҳақлар;
ишдаги ишлаб чиқариш натижалари учун мукофотлар;
махсус турдаги мукофотлар;
бир йиллик иш якунлари бўйича мукофотлар;
моддий ёрдам;
бир йўла мукофотлар;
Солиқ кодексида назарда тутилган бошқа тўловлар.

3. Ташкилотлар ҳайдовчилари меҳнатига ҳақ тўлаш Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 июлдаги 206-сон қарори билан тасдиқланган Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасига (бундан буён матнда Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси деб юритилади) асосан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 11 январдаги 6-сон «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарорига асосан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ягона тариф сеткасидан фойдаланадиган хўжалик ҳисобидаги корхоналар ва ташкилотларга уларнинг молиявий имкониятларидан ва хўжалик фаолияти натижаларидан келиб чиққан ҳолда, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашни ташкил этиш учун асос сифатида Ягона тариф сеткасининг оширилган тариф коэффициентлари белгиланиши мумкин.

Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасидан фойдаланмайдиган хўжалик ҳисобидаги ташкилотлар ҳайдовчиларининг меҳнатига Меҳнат кодексининг 153-моддасига асосан ушбу ташкилотда қабул қилинган меҳнатга ҳақ тўлаш тизимига мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Ҳайдовчилар меҳнатига ҳақ тўлаш разрядлари

4. Ташкилотлар ҳайдовчиларининг (юк автомобиллари ҳайдовчиларидан ташқари) меҳнатига ҳақ тўлаш мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ Ташкилотлар ҳайдовчиларининг (юк автомобиллари ҳайдовчиларидан ташқари) меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткаси бўйича разрядлар асосида амалга оширилади.

5. Ташкилотлардаги юк автомобиллари ҳайдовчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ Ташкилотлардаги юк автомобиллари ҳайдовчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича разрядлар асосида амалга оширилади.

6. Ҳайдовчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш разрядлари автомобилнинг

характеристикасида (техник паспортида) ишлаб чиқарувчи томонидан кўрсатилган автомобиллар параметрлари ва вазифасидан келиб чиқиб мазкур Низомнинг 1 ва 2-иловаларига мувофиқ белгиланади.

Ташкилотда ҳайдовчига бир нечта синфдаги автомобиллар бириктирилган ҳолларда ҳайдовчига унга бириктирилган автомобилнинг энг юқори разряддан келиб чиққан ҳолда ҳақ тўланади.

7. Ҳайдовчиларнинг Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси бўйича разряд:

кон самосваллари, тез бузиладиган юклар ташишда автомобиль-рефрижераторлар, шунингдек автокранлар — бир разряд юқори;

шошилич тиббий ёрдам хизматининг ихтисослаштирилган автомобиллари учун бошқа тез тиббий ёрдам автомобилларининг ҳайдовчиларига нисбатан бир разряд юқори белгиланади.

8. Ҳайдовчиларнинг тариф ставкасига 1,228 миқдорида тармоқ коэффициенти қўлланилади. Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ягона тариф сеткасининг тегишли разряди бўйича ҳайдовчининг базавий тариф ставкасини ҳосил қилади.

9. Ишга соатбай ҳақ тўлаш жорий этилса, базавий ойлик тариф ставкасини иш вақти йиллик балансини ҳисобга олган ҳолда норматив ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган иш соатларининг ўртача ойлик миқдорига бўлиш орқали белгиланадиган соатбай тариф ставкалари қўлланилади.

Давлат бошқаруви органларида бириктирилган шахсий ва навбатчи енгил автомашиналарнинг ҳайдовчилари учун соатбай меҳнатга ҳақ тўлаш шарти билан навбатчиликка 12 соатдан ошмаган ҳолда сменалик иш режими ўрнатилади.

3-боб. Ҳайдовчиларга бериладиган қўшимча тўловлар

10. Қуйидагилар учун устамалар ва қўшимча ҳақлар белгиланади:

тунги вақтда, дам олиш ва байрам кунлари ишлаганлик, шунингдек хизмат вақтидан ташқари ишлаганлик учун Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига белгиланган миқдорларда;

малака даражаси учун иккинчи даражали ҳайдовчиларга Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ягона тариф сеткасининг тегишли разряди бўйича ҳайдовчининг базавий тариф ставкасининг 10 фоизи миқдорида, биринчи даражали ҳайдовчиларга — 25 фоизи миқдорида;

ҳалқаро юк ташувларини амалга оширганлиги учун — Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган даврда Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ягона тариф сеткаси тегишли разряди базавий тариф ставкасининг 20 фоизига;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси транспорт қисми ҳамда Вазирлар Маҳкамаси аппарати Хўжалик фаолияти бошқармаси Автохўжалиги балансида бўлган енгил автомобиллар ҳайдовчиларига алоҳида меҳнат шароитлари учун — Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ягона тариф сеткасининг тегишли разряди бўйича ҳайдовчининг базавий тариф ставкасининг 35 фоизи;

автотранспорт воситаси қурилмалари, механизмлари ва ускунасини бошқариш учун махсус ишчилар талаб этилган бўлса ва уларнинг вазифаларини ҳайдовчи бажарётган бўлса, бир йўла бир неча касба ишлаганлиги, хизмат кўрсатиш зонаси кенгайганлиги ва бажариладиган ишлар ҳажми ошганлиги учун — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 18 октябрдаги 297-сон «Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касба ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорида белгиланган тартибда;

агар иш сменаси ўртасидаги танаффус икки соатдан ортиқни ташкил этса, бўлинган иш сменасида ишлаганлиги учун — базавий тариф ставкасининг 30 фоизгача. Бунда, ички сменанинг танаффус вақти ҳисобга олинмайди;

агар йўналиш бўйича берилган топшириққа кўра ҳайдовчи доимий яшаш жойига (автотранспорт ташкилоти, гараж жойлашган жойга) қайтиб келиш имкониятига эга бўлмаса, сафар хусусиятига эга меҳнат шароитларида ишлаганлиги учун — йўналиш бўйича берилган топшириқни бажариш даври учун базавий тариф ставкасининг 10 фоизгача;

устама ва қўшимча ҳақларнинг аниқ миқдорлари жамоавий шартномада белгиланади, агар у тузилмаган бўлса, касаба уюшмаси қўмитаси билан келишган ҳолда иш берувчилар томонидан белгиланади.

11. Ҳайдовчиларнинг базавий тариф ставкалари:

вақтбай ишлайдиган ҳайдовчилар учун прицепларга эга автопоезд ва юк автомобилларида ишлашда улар мазкур автотранспорт воситаларида амалда ишлаган кунлари учун 20 фоизга;

тоғ ва конларда олиб бориладиган технологик ишларда, кесик жойларда ва очиқ конларда технологик ташувларда ишлашда улар амалда ишлаган кунлари учун 24 фоизгача;

портловчи ва радиоактив моддаларни ташишда 12 фоизгача оширилади.

4-боб. Транспорт воситасини таъмирлаш ва унга техник хизмат кўрсатиш даврида ҳайдовчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш

12. Ҳайдовчиларга бириктирилган автомобиллар таъмирлаш ёки техник хизмат кўрсатиш учун олиб қўйилган ҳолларда улар ҳайдовчилар ихтисослиги бўйича бошқа автомобилларда хизмат қилишлари лозим.

13. Ўзига бириктирилган автомобилларнинг бекор туриб қолиши (носозлиги ёки тўлиқ эмаслиги, ихтисослиги бўйича иш йўқлиги) туфайли автомобил ҳайдовчилари автомобилларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича ишларга (ёки бошқа касба ишлашга) ўтказилган ҳолларда бекор туриб қолган бутун вақт учун уларнинг меҳнатига бажариладиган иш бўйича, бироқ аввалги (асосий) иш бўйича ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўланади.

Ҳайдовчилар автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъ-

мирлаш ишларига ўтказилганда уларга ушбу даврда малака даражаси учун бериладиган устама ҳақ тўланмайди.

14. Таъмирловчи ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг махсус штатини сақлашга эҳтиёж бўлмаган ва шунинг учун ҳайдовчилар иш вақтида автомобилларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича ишларни бажарадиган ташкилотларда (агар бу ишларни техник хизмат кўрсатиш станцияларида ёки автотранспорт ташкилотида бажариш имкони бўлмаса) мазкур ишларни бажариш вақти учун ҳайдовчиларга белгиланган шартларга мувофиқ мазкур Низомнинг 12-бандида белгиланган устамалар ва қўшимча ҳақларни ҳисобга олган ҳолда ҳақ тўланади.

5-боб. Ҳайдовчиларга тўланадиган бошқа ҳақ турлари

15. Мазкур Низомнинг 3-бобида кўрсатилмаган мукофот бериш, моддий ёрдам ва бошқа рағбатлантирувчи тўловлар ҳамда компенсация тўловларни тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қабул қилинган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашга доир ташкилотнинг локал ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

16. Ҳайдовчининг айби бўлмаган ҳолда бўш туриб қолган вақт учун иш ҳақи қонун ҳужжатларида белгиланган ўртача ойлик иш ҳақи миқдорида тўланади.

Ҳайдовчининг айби билан бўш туриб қолган вақт учун иш ҳақи тўланмайди.

17. Икки нафар ҳайдовчи бир вақтда бир автомобилда узоқ рейсга юборилган ҳолларда ҳар бир ҳайдовчига иш ҳақи рейсга сарфланган иш вақти ҳисоб-китобидан келиб чиқиб вақтбай тўланади.

Меҳнатга ишбай ҳақ тўланганда автомобиль ҳайдовчиларининг ишбай ҳақи малака даражасига эгалик учун устама ҳақни ҳисобга олмаган ҳолда тенг улушларда ҳайдовчилар ўртасида бўлинади.

Агар узоқ рейсларга юборилган ҳайдовчиларга йўналиш варағига мувофиқ автомобилдан ташқари сменлараро дам олиш вақти берилса (меҳмонхонада, кемпингда, хизмат ёки ижара уйида), бу вақт иш вақтига киритилмайди ва унга ҳақ тўланмайди.

18. Жамоавий шартномаларда ҳайдовчиларга бошқа устамалар ва қўшимча ҳақлар назарда тутилиши мумкин.

6-боб. Яқунловчи қоида

19. Мазкур Низомга риоя этиш учун жавобгарлик муассаса раҳбари зиммасига юкланади.

Автомобиль транспорти ҳайдовчилари
меҳнатига ҳақ тўлашнинг умумий шартлари
тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Ташкилотлар ҳайдовчиларининг (юк автомобиллари
ҳайдовчиларидан ташқари) меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича
Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткаси бўйича
РАЗРЯДЛАР**

Автомобиль синфи	Енгил автомобиль двигателининг литрдаги иш ҳажми; Автобуснинг габарит узунлиги, метрда (автомобилнинг техник паспорти бўйича)	Ягона тариф сеткаси бўйича разрядлар	
		умумий	тез тиббий ёрдам автомобиллари; махсус овоз ва чироқ сигналлари билан жиҳоз- ланган автомобиллар
1. Енгил автомобиллар			
Ўта кичик ва кичик	1,8 литргача	1	2
Ўргача	1,8 литрдан 3,5 литргача	2	3
Катта	3,5 литрдан ортиқ	3	4
2. Автобуслар			
Ўта кичик	5 метргача	2	3
Кичик	5 метрдан 7,5 метргача	3	4
Ўрта	7,5 метрдан 9,5 метргача	4	5
Катта	9,5 метрдан 11 метргача	5	6
	11 метрдан 15 метргача	6	7
	15 метрдан ортиқ	7	
3. Мотоцикллар, мотороллерлар ҳамда бошқа икки ва уч гилдиракли мотовоситалар			
Ҳар қандай синфдаги	-	1	-

*Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати
Хўжалик фаолияти бошқармаси Автохўжалиги балансида бўлган енгил
автомобиллар ҳайдовчиларига разрядлар мазкур жадвалда белгиланган
разрядга нисбатан уч разряд, бошқа автомобиллар ҳайдовчиларига икки
разряд юқори белгиланади.*

*Қонун ҳужжатларида ташкилотга ўзи учун алоҳида разряд белги-
лаш ваколоти берилган бўлса, ушбу ташкилотда мазкур жадвалда
белгиланган разряддан бошқа разрядлар қўлланилиши мумкин.*

Автомобиль транспорти ҳайдовчилари
меҳнатига ҳақ тўлашнинг умумий шартлари
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Ташкилотлардаги юк автомобиллари ҳайдовчиларининг
меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича
РАЗРЯДЛАР**

Автомобиллар гуруҳлари (тоннада юк кўтариш қобилияти), автомобилнинг техник паспорти бўйича			Ягона тариф сетка бўйича разряд
I	II	III	
борт автомо- биллари	ихтисослаштирилган ва махсус автомобиллар: самосваллар, фургонлар, цистерналар, рефри- жераторлар, техник ёрдам, ёнгин автомобиллари, қор тозалагич- лар, йўлга сув сепгич машина- лар, автокранлар, автоюккўтар- гичлар ва махсус жиҳозланган бошқа автомобиллар; прицепи ва яримприцепи шатакчи авто- мобиллар	нажас, чирийдиган ахлат, ҳайвон- ларнинг ўликлари, цемент, заҳар- ли химикатлар, сувсиз аммиак, аммиакли сув, радиоактив модда- лар ва бошқа хавфли кимёвий воситалар ташувчи ассенизацион, сипирувчи ва тозаловчи авто- транспорт воситалари.	
	1,5 гача	-	1
1,5 дан 3 гача	0,5 дан 1,5 гача	0,5 гача	2
3 дан 5 гача	1,5 дан 3 гача	0,5 дан 1,5 гача	3
5 дан 10 гача	3 дан 5 гача	1,5 дан 3 гача	4
10 дан 20 гача	5 дан 10 гача	3 дан 5 гача	5
20 дан 40 гача	10 дан 20 гача	5 дан 10 гача	6
40 дан ортиқ	20 дан 40 гача	10 дан 40 гача	7
-	40 дан ортиқ		8

*Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати
Хўжалик фаолияти бошқармаси Автохўжалиги балансида бўлган юк ав-
томобиллари ҳайдовчиларига разрядлар мазкур жадвалда белгиланган
разрядга нисбатан икки разряд юқори белгиланади.*

*Қонун ҳужжатларида ташкилотга ўзи учун алоҳида разряд белги-
лаш ваколати берилган бўлса, ушбу ташкилотда мазкур жадвалда
белгиланган разряддан бошқа разрядлар қўлланилиши мумкин.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЕР РЕСУРСЛАРИ, ГЕОДЕЗИЯ, КАРТОГРАФИЯ ВА
ДАВЛАТ КАДАСТРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

80 Янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш қиймати, лалми шудгор ва суғорилмайдиган кўп йиллик дарахтзорлар олиб қўйилганда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ушбу қийматини инobatга олиб ҳисобланган миқдори ҳамда пичанзорлар ва яйловлар ҳолатини тубдан яхшилаш қийматини индексация қилиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
23 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3131*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сон қарори билан тасдиқланган Ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларининг кўрган зарарларини, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 48-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари бўйича қурилиш материаллари нархлари индексининг ўтган йилги ўзгариши даражасидан келиб чиқиб, янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш қиймати, лалми шудгор ва суғорилмайдиган кўп йиллик дарахтзорлар олиб қўйилганда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ушбу қийматини инobatга олиб ҳисобланган миқдори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сон қарори билан тасдиқланган Ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларининг кўрган зарарларини, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 32-банди ва унга 1 ва 2-иловаларида назарда тутилган пичанзорлар ва яйловлар ҳолатини тубдан яхшилаш қиймати миқдорлари 2018 йилда 1.467 бараварга индексация қилинсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан келишилган.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 24 январда эълон қилинган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ер ресурслари, геодезия,
картография ва давлат кадастри
давлат қўмитаси раиси**

А. АБДУЛЛАЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 9 январь,
3-сон

Иқтисодиёт вазири

Б. ХОДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 9 январь,
2-сон

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 9 январь,
8-сон

Келишилган:

*Давлат статистика
қўмитаси раиси*

Б. БЕГАЛОВ

2019 йил 4 январь

*Ўзбекистон фермер, деҳқон
хўжаликлари ва томорқа ер
эгалари кенгаши раиси*

А. ХАЙТОВ

2019 йил 4 январь

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

А. ИКРАМОВ

2019 йил 4 январь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЕР РЕСУРСЛАРИ, ГЕОДЕЗИЯ, КАРТОГРАФИЯ ВА
ДАВЛАТ КАДАСТРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

81 «Янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш қиймати, лалми шудгор ва суғорилмайдиган кўп йиллик дарахтзорлар олиб қўйилганда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ушбу қийматини инобатга олиб ҳисобланган миқдори ҳамда пичанзорлар ва яйловлар ҳолатини тубдан яхшилаш қийматини индексация қилиш ҳақида»-ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 23 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2943-1

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2017 йил 29 сентябрдаги 6, 149 ва 130-сон «Янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш қиймати, лалми шудгор ва суғорилмайдиган кўп йиллик дарахтзорлар олиб қўйилганда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ушбу қийматини инобатга олиб ҳисобланган миқдори ҳамда пичанзорлар ва яйловлар ҳолатини тубдан яхшилаш қийматини индексация қилиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2943, 2017 йил 1 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 44-сон, 1113-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ер ресурслари, геодезия,
картография ва давлат кадастри
давлат қўмитаси раиси**

А. АБДУЛЛАЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 9 январь,
2-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 24 январда эълон қилинган.

Иқтисодиёт вазири

Б. ХОДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 9 январь,
1-сон

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 9 январь,
7-сон

Келишилган:

*Давлат статистика
қўмитаси раиси*

Б. БЕГАЛОВ

2019 йил 4 январь

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2019 йил 19 январдан 25 январгача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлигининг 2018 йил 30 ноябрдаги 01-02/13-70, 155-сон «Давлат божхона хизмати органларида мажбурий хизматни ўташ ҳақидаги шартномаларни тузиш ҳамда шартнома шартлари бажарилмаганда харажатларни қоплаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 21 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3125.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 20 декабрдаги 81, 58-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг тергов хибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган ОИВ инфекциясини юқтирганлар ва ОИТСга чалинган беморларга антиретровирус даволаш тақдим этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 21 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1752-1.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 30 декабрдаги 01-02/13-76-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона органлари томонидан гаровни қўллаш тўғрисидаги низомнинг 1.2-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 21 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 757-3.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 17 январдаги 6, 2019-02, 267-В-1-сон «Иш берувчилар томонидан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига мажбурий бадалларни қўшиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 21 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1515-1.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлигининг 2019 йил 7 январдаги 2019-05, 2-сон «Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 21 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3126.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 7 январдаги 1, 2019-04-сон «Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 21 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2439-7.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 11 январдаги 4, 2018-83, 315-B-5-сон «Улгуржи савдо корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини бўнак тўловларини ҳисобга олган ҳолда тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 21 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2065-5.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Адлия вазирлигининг 2019 йил 21 январдаги 1-2019, 1-сон «Тошкент давлат юридик университетда ўқитишнинг модуль тизими шароитларида талабалар билимини назорат қилиш тартиби ва баҳолаш мезонлари тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 22 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2780-2.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2019 йил 21 январдаги 16-сон «Крипто-биржалар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 22 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3127.

10. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 11 январдаги 02/16-10/40-сон «Корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳоли мониторинги ва таҳлилини ўтказиш мезонларини аниқлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга қўшимча ва ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 23 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1469-5.

11. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 11 январдаги 02/16-10/41-сон «Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органига хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти

тўғрисидаги материалларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 23 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2223-4.

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2019 йил 7 январдаги 3-сон «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Абу Райҳон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактабига ўқишга қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 23 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3128.

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2019 йил 7 январдаги 4-сон «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Абу Райҳон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактаби профессор-ўқитувчилари таркибини танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 23 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3129.

14. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 15 декабрдаги 39/19-сон «Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга доир йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 23 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3028-1.

15. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ кўмитаси, Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 10 январдаги 3, 2019-03, 341-В-2-сон «Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек харажатларни қоплаш бўйича суммаларнинг тўланишини ҳамда ташкилотлар томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар учун харажатлар амалга оширилиши тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 23 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2836-2.

16. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлигининг 2019 йил 22 январдаги 2-2019/ққ, 9, 1/103-сон «Автомобиль транспорти ҳайдовчилари меҳнатига ҳақ тўлашнинг умумий шартлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 23 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3130.

17. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2019 йил 9 январдаги 3, 2, 8-сон «Янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш қиймати, лалми шудгор ва суғорилмайдиган кўп йиллик дарахтзорлар олиб қўйилганда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ушбу қийматини инобатга олиб ҳисобланган миқдори ҳамда пичанзорлар ва яйловлар ҳолатини тубдан яхшилаш қийматини индексация қилиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 23 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3131.

18. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2019 йил 9 январдаги 2, 1, 7-сон «Янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш қиймати, лалми шудгор ва суғорилмайдиган кўп йиллик дарахтзорлар олиб қўйилганда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ушбу қийматини инобатга олиб ҳисобланган миқдори ҳамда пичанзорлар ва яйловлар ҳолатини тубдан яхшилаш қийматини индексация қилиш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 23 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2943-1.

19. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 15 январдаги 01-2019-5-сон «Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 4 октябрдаги 795-сон қарори билан тасдиқланган Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 24 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3132.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган ОИВ инфекциясини юқтирганлар ва ОИТСга чалинган беморларга антиретровирус даволаш такдим этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1752, 2007 йил 26 декабрь).

Адлия вазирининг 2019 йил 21 январдаги 32-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг «Солиқ ҳисоботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2439, 2013 йил 22 март), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2439-1, 2014 йил 13 июнь), (рўйхат рақами 2439-2,

2015 йил 28 январь), (рўйхат рақами 2439-3, 2016 йил 21 апрель), (рўйхат рақами 2439-4, 2017 йил 14 март), (рўйхат рақами 2439-5, 2017 йил 29 ноябрь), (рўйхат рақами 2439-6, 2018 йил 20 август).

Адлия вазирининг 2019 йил 21 январдаги 36-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ кўмитаси, Марказий банки Бошқарувининг «Улгуржи савдо корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини бўнак тўловларини ҳисобга олган ҳолда тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2065, 2010 йил 14 январь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2065-1, 2011 йил 29 июль), (рўйхат рақами 2065-2, 2013 йил 3 октябрь), (рўйхат рақами 2065-3, 2014 йил 17 апрель), (рўйхат рақами 2065-4, 2018 йил 6 сентябрь).

Адлия вазирининг 2019 йил 21 январдаги 37-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари кўмитасининг «Корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ахволи мониторинги ва таҳлилини ўтказиш мезонларини аниқлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1469, 2005 йил 14 апрель), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1469-1, 2012 йил 23 январь), (рўйхат рақами 1469-2, 2013 йил 17 июль), (рўйхат рақами 1469-3, 2013 йил 26 ноябрь), (рўйхат рақами 1469-4, 2017 йил 3 июль).

Адлия вазирининг 2019 йил 23 январдаги 40-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

5. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасининг «Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органига хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги материалларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2223, 2011 йил 2 май), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2223-1, 2012 йил 18 октябрь), (рўйхат рақами 2223-2, 2013 йил 17 июль), (рўйхат рақами 2223-3, 2017 йил 4 август).

Адлия вазирининг 2019 йил 23 январдаги 41-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

6. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг «Янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш қиймати, лалми шудгор ва суғорилмайдиган кўп йиллик дарахтзорлар олиб қўйилганда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ушбу қийматини инобатга олиб ҳисобланган миқдори ҳамда пичанзорлар ва яйловлар ҳолатини туб-

дан яхшилаш қийматини индексация қилиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2943, 2017 йил 1 ноябрь).

Адлия вазирининг 2019 йил 23 январдаги 48-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.